БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 92 (1870) | 9 май, сешанба, 1961 йил | Баҳоси 2 тийин

ҒЎЗАНИ ЎЗ ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ ЯГАНА ҚИЛАЙЛИК!

Шуни унутмайликки, агар ягана уч кун кечиктирилса, бир центнер ҳосил кам олинади

Далаларимизда чигит қийғос униб чиқмоқда. Дастлабки кундан ишни пухта қилайлик. Ғўза қатор ораларини икки томонлама ишлаш кучайтириб юборилсин, яганалашни тез ва сифатли тамомлайлик! ❊ Бу йилги шароитда суғоришни эрта бошлаш лозим ❊ Бегона ўтларга қарши ҳозирдан курашайлик. Шунга эришайликки, биринчи озиқлантириш бошланганда далалар бегона ўтлардан батамом тозаланган бўлсин!

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг пахтакорлари бу йил мамлакатга мўл-кўл «оқ олтин» етказиб бериш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Колхоз далаларида чигит қийғос униб чиқиб, ғўза парвариши кучайтириб юборилди.

Колхозчилар, механизаторлар бир-бирлари билан мусобақалашиб ишлаб, ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Культивациянинг сифатига алоҳида аҳамият берилаётир. Суратда: колхозда ғўзани культивация қилиш пайти.

А. Абалян фотоси.

ДАСТЛАБКИ ЮТУҚЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ҳаво очиқ. Баҳор қуёши қадрдон далаларимизга нур сочмоқда.

Ўтган йили қилинган ҳалол меҳнатнинг нашъасини татиган, кўкламни орзиқиб кутган колхозчиларнинг ҳаммаси далада. Бутун куч ва барча имкониятлар ғўза парваришини кучайтиришга қаратилган.

Биз ўртоқ Холмат Бойжигитов бошлиқ бригада даласига етиб келганимизда, яхлит 25 гектарлик картада универсалчи культивация қилаётган экан.

— Сизлар танишмоқчи бўлган моҳир механизаторимиз шу йигит,— деди колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ким Ир Чен универсал тракторини бошқараётган йигитни кўрсатиб.

Ўртоқ Иброҳим Тошбоев кўп йиллардан бери универсалчи бўлиб ишлаб келади. У рулга ўтирганидан буён бирор йил ҳам олган мажбуриятини бажармасдан қолмаган. Ҳамма иши беш.

Мана, бугун ҳам у биз билан самимий кўришиб бўлгач, парткомга қоғоз узатди. Бу экипаж аъзоларининг биринчи рапорти эди. Азаматлар мавсумда 80 гектар ерга 60х50 схемаси асосида чигит экиш мажбуриятини олиб, уни шараф билан бажаришибди. Бир-икки кундан бери чигит дастлаб ташланган картада биринчи парвариш ўтказилаётган экан.

— Ўтган йили, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Холмат Бойжигитов, — еримизнинг ярмига квадрат-уялаб чигит экканидик. Кам меҳнат сарфлаб, мўл ҳосил етиштирдик. Бу йил 105 гектар еримизнинг ҳаммасига прогрессив усулда чигит экдик. Ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта етказиб берамиз.

Гектаридан олинадиган ҳосилни янада ошириш иштиёқи билан тўлиб-тошган Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг аъзолари партиямиз XXII съезди шарафига ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб юборганлар. Эргаш Бўтабоев ва Маматхолиқ Зокиров ўртоқлар ўз агрегатларидан яхши фойдаланиб, ғўза қатор ораларини икки томонлама сифатли парвариш қилмоқдалар.

М. ХАНАЕВ,
С. САЙФИДДИНОВ.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА ҲАМ БИРИНЧИ

Бу колхоз чигит экишни районда биринчи бўлиб тугаллаган эди. Ғўза парвариши ҳам ҳаммадан олдин шу колхозда бошланди. Ахир шундай бўлиши ҳам керакда. Колхоз ўтган йили ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил топшириб, планни муваффақиятли бажарди. Ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаб, бу йил ҳосилдорликни ошириш учун дастлабки кунларданоқ иш қизитилди.

Шу кунларда колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ж. Умарова, М. Тузалбоев, М. Жонгиров, М. Оғабоев ўртоқлар бошлиқ юқори ҳосилли бригадаларида ғўзанинг биринчи парвариши тугалланай деб қолди.

Бу илғор бригадалар барча майдонларда зарур қалинликда кўчат сақлаб қолиш мақсадида ҳар бир ишни сифатли бажариш учун курашмоқдалар.

Механизаторлар квадрат-уялаб экилган майдонларда ғўза парваришини кун сайин кучайтирмоқдалар. А. Деҳқонов, М. Қўчқоров, А. Мирзабоев ўртоқлар, айниқса, ишни сифатли бажариб, ҳаммага ўрнак бўлаётирлар.

А. СОВРАНБОЕВ,
Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози.

Илғорлар изидан

Оққўрғон районидаги Ленин номли колхознинг ўртоқ Аброр Нурматов бошлиқ бригада аъзолари кўпцентнерчилар ҳаракатига қўшилиб, 100 гектар ернинг ҳаммасига квадрат-уялаб чигит экдилар.

— Илғорлар тажрибаси биз учун катта мактаб, — дейди Нурматов, — Пискент районидаги Тельман номли колхознинг ўртоқ Ҳ. Қодиров бошлиқ бригадаси аъзолари ўтган йили ҳам 60 центнердан ошириб ҳосил олишди. Ахир уларда бор техника, ишчи кучлари, барча имконият бизда ҳам бор. Шундай экан, биз ҳам илғорларнинг изидан борайлик. Ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта етиштирамиз.

Ҳозирги кунда бу бригада далаларида иш қизғин. Ер бетини қоплаган кўм-кўк квадратлар мўл ҳосилдан нишонадир. Механизаторлардан О. Муродов, С. Холбоев ўртоқлар мусобақалашиб меҳнат қилмоқдалар. Ҳар кўни 6—7 гектар ерни культивация қилишяпти. Улар культивация билан бир вақтда ғўзани озиқлантириб ҳам кетмоқдалар.

Бригадада ғўза машина теримига мослаб парвариш қилинаётир.

Ҳ. АҲМЕДОВ.

ҒАЛАБА БАЙРАМИ

1945 йил 9 май — совет халқининг шонли кураш ва ғалабалар тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган. Бу тарихий кунда қаҳрамон халқимиз ва шавкатли Қуролли Кучларимиз она-Ватанимизга хиёнаткорона ҳужум қилган фашистлар Германиясини батамом тор-мор келтириб, Европа халқларини фашизм вабосидан халос этди, бутун дунёда барқарор ва мустаҳкам тинчлик ўрнатди. Шунинг учун ҳам 9 май бутун совет халқининг, прогрессив инсониятнинг традицион улуғ айёмига—ғалаба байрамига айланиб қолди.

Ғалаба куни бу йил коммунистик жамият қураётган халқимизнинг гинч ижодий меҳнати бекиёс барқ уриб яшнаётган, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида янгидан-янги ғалабаларга эришилаётган бир вазиятда нишонланмоқда. Совет Иттифоқи граждани, авиация майори, коммунист Юрий Алексеевич Гагариннинг инсоният тарихида биринчи бўлиб космосга муваффақиятли парвоз қилганлиги фан ва техникамизнинг оламшумул ғалабасидир. Партия ва ҳукуматимизнинг кундалик ғамхўрлигидан баҳраманд бўлган совет кишилари еттийилликнинг улуғвор программасини муддатидан илгари бажариш, КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини амалга ошириш ва партия XXII съездини муносиб кутиб олиш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатиб ишламоқдалар. Саноат корхоналарининг коллективлари, қишлоқ хўжалигининг забардаст кишилари, чорвадорлар, шахтёрлар, бинокорлар ва бошқа касбдаги новаторларнинг социалистик мусобақани тобора кучайтириб, улкан ижодий ютуқларга эришаётганликлари ҳаммани қувонтирмоқда.

Халқимиз ўз армияси билан, унинг баҳодир посбонлари билан ҳақли равишда фахрланади. Қуролли Кучларимиз улуғ Ватан уруши йилларида мисли-сиз қаҳрамонликлар кўрсатиб Ватанимизни абадий шон-шуҳрат билан қоплади. Зотан бундай кураш, бундай ғалабани ҳеч қачон ва ҳеч вақт унутиш мумкин эмас!

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти Ватанимизга хиёнаткорона ҳамла этган, тинчгинроғигача қуролланган немис-фашист босқинчиларга қақшатғич зарбалар берди, гитлерчи қароқчиларнинг «яшин тезлигидаги уруш» ҳақидаги хомхаёлини пучга чиқарди.

Гитлерчи босқинчиларнинг ҳамласини тўхтатишда ва уларни батамом янчиб ташлашда халқимиз ва Қуролли Кучларимиз кўрсатган мисли-сиз қаҳрамонликлар дунёдаги миллионмиллион кишилар томонидан буюк ҳурмат ва чексиз меҳр-муҳаббат билан тилга олинди. Халқимиз ғалабасида совет ижтимоий ва давлат тузумининг буюк афзаллиги ўзининг ёрқин ифодасини топди. Шонли ғалабамизни таъминлашда мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги, ватанпарварликлари, шонли ишчилар синфи билан колхозчи-деҳқонларимизнинг мустаҳкам муқаддас иттифоқи, совет жангчиларининг юксак маънавий хислатлари ва беқиёс қаҳрамонликлари асосий омил бўлди. Натижада Ғарбда фашистлар Германияси, Шарқда милитаристик Япония тор-мор келтирилиб, иккинчи жаҳон уруши совет халқининг буюк ғалабаси билан тугади. Жаҳонда тинчлик ва осойишталик байроғи ҳилпирай бошлади.

Совет Иттифоқининг душман устидан қозонган ғалабаси туфайли Шарқий Европа ва Осиёда бир қанча мамлакатлар империализм асоратидан халос бўлди. Бу мамлакатларнинг меҳнаткашлари эксплуататорлар синфини агдариб ташлаб, халқ демократик давлатини барпо этдилар. Жаҳонда қудратли социализм лагери бунёдга келди.

Совет Иттифоқи, шунингдек бошқа социалистик мамлакатлар жаҳонда барқарор тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик ўрнатиш учун ҳормай-толмай ва изчиллик билан кураш олиб бормоқдалар, ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш принципларига асосланиб, инсоният ҳаётида урушга абадий хотима бермоқ учун ҳамма чораларни кўриб келмоқда.

Ҳарбий санъатни пухта эгаллаб келаётган ва ҳозирги замоннинг жанговар ҳарбий техникаси билан қуролланган шонли Қуролли Кучларимиз жонажон Коммунистик партия тевараги-га маҳкам жипслашиб, ўз халқига, коммунизм ишига садоқат билан хизмат қилмоқда. Қудратли посбонларимиз совет кишиларининг гинч ижодий меҳнатини ҳамда севикли Ватанимиз хавфсизлигини зўр ишонч билан қўриқлаб турибди.

Империалистик доиралар Африка, Осиё ва Латин Америкаси мамлакатларида тобора ўсиб бораётган миллий озодлик ҳаракатидан ваҳимага тушиб, уни бостиришга, қонли жиноятлар қилишга қўл чўзмоқдалар. Америка қўшма штатларининг империалистик доиралари озод Кубага қуролли интервенция уюштирди. Маълумки бу қонли интервенция қаҳрамон Куба халқи томонидан даф этилди, босқинчиларнинг шармандаси чиқди.

Халқимиз империалист доираларнинг уруш оловини ёқишга қаратилган авантюраларига бефарқ қарайолмайди, аксинча империалистик агрессорларнинг кирдикорларини ҳушёрлик билан кузатиб турибди. Партия ва ҳукуматимиз жонажон Ватанимизни, шавкатли Қуролли Кучларимизни ҳамда унинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш соҳасида ҳамма зарур чораларни кўриб келмоқда.

Ҳарбий санъатни пухта эгаллаб келаётган ва ҳозирги замоннинг жанговар ҳарбий техникаси билан қуролланган шонли Қуролли Кучларимиз жонажон Коммунистик партия тевараги-га маҳкам жипслашиб, ўз халқига, коммунизм ишига садоқат билан хизмат қилмоқда. Қудратли посбонларимиз совет кишиларининг гинч ижодий меҳнатини ҳамда севикли Ватанимиз хавфсизлигини зўр ишонч билан қўриқлаб турибди.

Америка Қўшма Штатларининг президенти Жон Ф. КЕННЕДИ Жаноб Олийларига

ВАШИНГТОН

Ҳурматли Президент жаноблари!

Ичига одам туширилган ракета муваффақиятли учирилганлиги ва бу ракетанинг 300 миля масофага учганлиги ҳамда парвоз вақтида 115 милягача баландликка кўтарилганлиги муносабати билан Совет Иттифоқи халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизга ва бутун Америка халқига самимий қутловлар йўллайман.

Инсоннинг космосни ўзлаштириши соҳасида кейинги вақтларда қўлга киритилган ютуқлар тараққиёт йўлида табиатни билишда чексиз имкониятлар очиб бермоқда.

Учувчи Шепардга менинг самимий қутловларимни етказишингизни сўрайман.

Н. ХРУШЧЕВ.

1961 йил 6 май.

Самимий табрик

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетига табрик юбориб, Руминия Ишчи партиясининг 40 йиллиги муносабати билан Руминия Ишчи партиясининг аъзоларини ҳамда қардош румин халқини барча коммунистлар ва совет халқи номидан самимий қутлади.

Табрикда айтиладики, Руминия Ишчи партияси социалистик қурилишнинг умумий принципларини ўз мамлакатининг конкрет шароитида ижодий тарзда қўлланиб, румин халқини социализм йўлидан муваффақиятли бошлаб бормоқда.

КПСС Марказий Комитети Руминия Ишчи партияси марксизм-ленинизм байроғини баланд кўтариб бормоқда, Руминия Халқ Республикаси меҳнаткашларини социалистик интернационализм руҳида тарбияламоқда, деб таъкидлайди. (ТАСС).

СССР Мудофаа министрининг

БУЙРУҒИ

1961 йил 9 май № 90 Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!
Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Бугун совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари гитлерчилар Германияси устидан тарихий ғалаба қозонилган куннинг ўн олти йиллигини нишонламоқдалар.

Совет Иттифоқи немис-фашист босқинчиларга қарши қурашнинг бутун оғирлигини ўз устига олди ва душманни тор-мор келтиришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Халқимизнинг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган қаҳрамонона зафари меҳнаткашларнинг бахт-саодати учун, коммунизмнинг тўла тантанаси учун курашнинг шонли йилномасига олтин саҳифа бўлиб абадий кириб қолади.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг шахсий составини, Улуғ Ватан урушининг ҳамма қатнашчиларини Ғалаба Байрами билан табриклайман ва қутлайман.

БУЮРАМАН:

Бугун, 9 майда Ватанимиз пойтахти-Москвада, иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида ҳамда қаҳрамон шаҳарлар: Ленинград, Сталинград, Севастополь ва Одессада тўплардан бир йўла йигирма марта ўқ узиб, салют берилсин.

Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар бўлсин!

Яшасин совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!
Яшасин жонажон Совет ҳукумати!

Ҳамма ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар бўлсин!

СССР Мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали Р. МАЛИНОВСКИЙ

АРМАНИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА АРМАНИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

ЕРЕВАН, 6 май. (ТАСС). Ўз юксалишининг ажойиб йиллигини байрам қилаётган арман халқи унутилмас кунларни бошидан кечирмоқда. Арманистоннинг қўзғолон кўтарган меҳнаткаш халқи улуғ рус халқининг ёрдами билан, Коммунистик партия раҳбарлигида миллий ва социал зулм кишанларини улоқтириб ташлаган ҳамда янги, бахтли ҳаёт қура бошлаган пайтдан бери қирқ йил ўтди.

Қирқ йил ичида республика меҳнаткашлари ўз мамлакатини таниб бўлмаслик даражада ўзгартириб, уни яшнаган социалистик республикага айлантирдилар. Арман халқи эркин ҳаёт йилларида эришган, совет қардош халқларининг дўстона оиласида эришган муваффақиятлари билан ҳозирги кунда ҳаққоний равишда фахрланмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев байрамда қатнашиш учун республикага келганлиги муносабати билан халқ тантаналари айниқса шодиёна бўлди.

А. Спендиаров номли академик опера ва балет театри биноси байрам шарафига чиройлик безатилган. Унинг пештоқида Коммунистик партиянинг ва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленининг жуда катта портрети қўйилган. Саҳна тўрида ҳам меҳнаткашлар улуғ йўлбошчисининг скульптура портрети қизил байроқлар ва республика герби фонида турибди. Қизил алвонга: «Яшасин Совет Арманистони! КПССга шон-шарафлар!» деб олтин ҳарфлар билан ёзилган.

Мажлис бошланишидан анча олдин залда СССР Олий Совети ва Арманистон ССР Олий Совети депутатлари, Арманистон КП Марказий Комитетининг аъзолари, Арманистонда Совет ҳокимияти ўрнатиш учун олиб борилган революцион жангларнинг қатнашчилари бўлган кекса большевиклар, партия ва совет раҳбар ходимлари, саноат ва қишлоқ хўжалик илғорлари, фан, маданият ва санъат арбоблари, Совет Армияси жангчилари тўпландилар.

Бу ерда азиз меҳмонлар — қардош республикалар — РСФСР, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Литва, Молдавия, Латвия, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Эстония ва Дағистон АССР халқларининг вакиллари, шунингдек чет эллардаги арманларнинг тантанада қатнашиш учун келган вакиллари ҳам бор эди.

Эрталаб соат 10 КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев, Арманистон КП Марказий Комитетининг секретари Я. Н. Заробян, Арманистон ССР Министрлар Советининг Раиси А. Е. Кочинян, Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. М. Арушанян ва Арманистоннинг бошқа раҳбарлари, қардош республикалар делегацияларининг бошлиқлари ва аъзолари, кекса большевиклар, республиканинг донгдор кишилари президиумга чиққанларида тантанали мажлис қатнашчилари уларни узоқ давомли овация билан кутиб оладилар.

Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Н. Заробян мажлис қатнашчиларига қарата қисқача табрик нутқи сўзлайди. У, арман халқи Совет ҳокимияти ўрнатилганига ва Арманистон Коммунистик партияси ташкил топганига 40 йил тўлишиш сиёсий ва меҳнат ғайрати мисли-сиз даражада ўсганлигини таъкидлайди.

Я. Н. Заробян Арманистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети ва Арманистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Арманистонда Совет ҳокимияти ўрнатилган ва Арманистон Коммунистик партияси ташкил топган куннинг қирқ йиллигига бағишланган юбилей тантанали мажлисини очиқ деб эълон қилади.

СССР давлат гимнининг садолари бутун залга янграйди. Унинг кетидан Арманистон ССР гимни ижро этилади.

Мажлис қатнашчилари ғоят баланд руҳ ва якдиллик билан ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумини фахрий президиумга сайлайдилар.

Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. М. Арушанян «Арманистон ССРнинг ва Арманистон Коммунистик партиясининг 40 йиллиги» тўғрисида доклад қилиш учун ўртоқ Я. Н. Заробянга сўз беради. Залдагилар уни самимий кутиб оладилар.

Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Я. Н. ЗАРОБЯН доклади

Арман халқи мамлакатимиздаги ҳамма қардош халқлар билан бирга-ликда, деди ўртоқ Заробян, Арманистонда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва Арманистон Коммунистик партияси ташкил топганлигининг шонли қирқ йиллигини тантанали суратда байрам қилмоқда.

Арман халқи ўтган 40 йил мобайнида кураш ва меҳнатга якун ясаб, деди ўртоқ Заробян, Совет Иттифоқидаги қардош халқлар онласида Арманистон нисбатан қисқа тарихий давр ичида модий ва маънавий ҳаётни ривожлантиришда ўзининг кўп асрли тарихида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришганлигини қонуний фахрланиш туйғулари билан таъкидламоқда. Арман халқи бу муваффақиятларга Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси туфайли, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг доно ленинча миллий сиёсати туфайлигина эришиш мумкин бўлганлигини чуқур англайди.

Докладчи Арманистон Компартияси Марказий Комитети, Арманистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети номидан, Совет Арманистонининг барча меҳнаткашлари номидан партиямиз ленинчи Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига Совет Арманистонининг равнақи йўлида шу вақтгача қилинган ва қилинаётган ишларнинг ҳаммаси учун чин қалбдан ташаккур изҳор қилади.

Совет Арманистонининг меҳнаткашлари ўзининг қадимий ерида энг қадрли меҳмон — КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси, тинчлик ва халқларнинг бахт-саодати учун ғоҳони курашчи ўртоқ Н. С. Хрушчевни зўр шод-ҳурраклик ва самимий илҳом-ланиш туйғулари билан табриклайдилар. Арманистон меҳнаткашлари Улуғ Социалистик Ватанимиз қардош халқларининг вакиллари бўлган азиз меҳмонларни ўз республикаларида кутиб олаётганликларидан бениҳоя мамнундирлар.

Ўртоқ Заробян айтадики, арман халқи экономика ва маданиятни ривожлантиришда улуғ рус халқи, шунингдек бошқа қардош халқларнинг 40 йил давомида ўзига бериб келган ва бериб келаётган катта ёрдамлари учун улардан чексиз миннатдордир. Докладчи Арманистон меҳнаткашлари номидан қардош республикалар делегацияларини қизғин табриклайди.

Арманистон меҳнаткашлари ўз республикасининг ва Арманистон Компартиясининг 40 йиллигини экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг фаровонлигини юксалтиришда жуда катта муваффақиятлар билан кутиб олаётирлар.

Совет Арманистони — улуғ Октябрнинг фарзандидир. Совет ҳокимияти учун қизғин кураш пайтларида В. И. Ленининг кўрсатмасига мувофиқ, Арманистоннинг коммунистик ташкилотлари Арманистон Коммунистик (большевиклар) партиясига айлантирилди. Партия РКП(б) Марказий Комитети Кавказ бюросининг раҳбарлигида Арманистон меҳнаткашларини душманга қарши кескин жангларга дадил бошлаб борди. Арманистоннинг қўзғолон кўтарган ишчилари ва деҳқонларининг илтимосига кўра, Совет Россияси ҳукумати ва шахсан В. И. Ленин Коммунистик партия ҳамда Совет давлатининг атоқли арбоблари С. М. Киров, Г. К. Орджоникидзе ва А. И. Микоян бошчилигидаги XI Қизил Армияни қўзғолончиларга ёрдамга юборди. Арманистоннинг қўзғолон кўтарган ишчи ва деҳқонлари Коммунистик партия раҳбарлигида XI Қизил Армиянинг ёрдами билан 1920 йил 29 ноябрда дашнақларнинг манфур ҳукмронлигини агдариб ташлаб, Арманистонда Совет ҳокимияти ўрнатдилар.

Ўтган 40 йил мобайнида Арманистон таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Эндиликда Арманистон—Совет Иттифоқининг илғор республикаларидан биридир.

1960 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1913 йилги саноат ишлаб чиқариш даражасидан тахминан 70 баравар ошиб кетди. Янгидан-янги заводлар, фабрикалар, электростанциялар ишга туширилмоқда. Урушдан кейинги йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ўртача йиллик ўсиши 15 процентни ташкил қилди. Кончилик ва рангли металлургия саноати билан бир қаторда кимё, электротехника, станоксозлик, приборсозлик, радиоэлектрон ва индустриянинг бошқа тармоқлари вужудга келтирилди ҳамда тез ривож топмоқда. Енгил ва озиқ-овқат саноати жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Арманистон саноат корхоналарининг коллективлари ўз социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар. Етти йиллик планда 1959—1960 йиллар учун белгиланган топшириқлар муддатидан анча олдин бажарилди. Республика юбилейига саноат меҳнаткашлари етти йиллик учинчи йилининг дастлабки тўрт ойи топшириқларини анча ошириб бажарган ҳолда етиб келдилар.

Қишлоқ хўжалигида ҳам жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. 40 йил мобайнида суғориш каналлари барпо этиш соҳасида катта ишлар қилинди, неча ўн минглаб гектар ботқоқликлар ва ботқоқ ерлар қуритилди. Бу эса республика қишлоқ хўжалигини тубдан ўзгартиш имконини берди.

Докладнинг анчагина қисми арман халқи моддий фаровонлиги ҳамда маданиятининг ўсишига бағишланади. Совет давлати социалмаданий тадбирларга ажратилаётган маблағларни ҳар йил кўпайтирмоқда. Кейинги 15 йилдагина республикада 1600 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой майдони қурилиб ишга туширилди. Шу вақт ичида қишлоқларда колхозчилар учун 77 минг уй қурилди.

Совет Арманистони ёппасига саводхон республикадир. Арманистон олимлари совет фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Адабиёт ва санъат олға томон катта қадам ташлади.

Улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг содиқ ва жанговар отрядларидан бири — Арманистон Коммунистик партияси, деб сўзида давом қилади сўнгра ўртоқ Заробян, Арманистон меҳнаткашларининг Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун, экономика, маданият ва фанни юксалтириш учун олиб борган курашига раҳбарлик қилиб келди. Арманистон Компартияси социалистик қурилишнинг ҳамма босқичларида партиямиз бош йўлини амалга ошириш учун курашда КПСС Марказий Комитети томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларнинг ҳаммасини шараф билан адо этди, марксизм-ленинизм ҳамда партиямиз сафларининг бирлигини ҳимоя қилишда мустаҳкам турди.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Арманистон ССР Олий Совети ва Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг тантанали мажлиси

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Арманистон Коммунистик партияси ўзининг 40 йиллигига КПСС Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган ҳолда келди. Арманистон Компартияси мамлакатимизда коммунизм ғалабаси учун курашда партия ленинчи Марказий Комитетининг ҳамиша ишончли таянчи бўлди ва шундай бўлиб қолади.

Ўртоқ Заробян КПСС Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини ва шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчевни тантанали йиғилиш қатнашчилари номидан, республиканинг барча меҳнаткашлари номидан ишонтириб айтадики, Совет Арманистонининг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг буюк режаларини амалга ошириш учун бундан буён ҳам астойдил курашадилар ва улуғвор етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун курашда янгидан-янги зафарларни қўлга киритаберадилар.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев минбарга чиққанида залдагилар уни қизғин қарсаклар билан кутиб оладилар.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев катта нутқ сўзлади. У гулдурос, давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турган бу нутқида бундай деди:

Азиз ўртоқлар, дўстлар! Арманистон халқи ва у билан бирга Совет Иттифоқи қардош халқлари бугун Арманистонда Совет ҳокимияти ўрнатилиши ва Арманистон Коммунистик партияси ташкил топишининг қирқ йиллигини нишонламоқдалар.

Арманистоннинг кўп асрлик тарихида қирқ йил жуда қисқа муддат бўлса ҳам, шу йиллар арман халқининг янги ҳаёти бошланганлигидан далолат беради. Социализмнинг ҳаётбахш кучи арман халқини ғоят тараққий эттирди, унинг фан ва маданиятини, фароғатини юксалтирди, унинг талант ва қобилиятларини барқ уриб ўстирди. Совет Арманистони Ватанимиздаги республикалар оиласида муносиб ўрин эгаллаб турибди. Меҳнатсевар ва талантли арман халқи коммунистик қурилиш улуғ ишига катта ҳисса қўшмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан ва уларнинг топшириғига мувофиқ, Н. С. Хрушчев Арманистоннинг ҳамма меҳнаткашларини — ишчилар, колхозчилар, зиёлиларни, партияли ва партиясиз ўртоқларни катта байрам — Арманистонда Совет ҳокимияти ўрнатилиши ва Арманистон Коммунистик партияси ташкил топишининг қирқ йиллиги билан қизғин табриклади.

Халқимизнинг ҳаётидаги бу муҳим воқеа, деб давом қилди Н. С. Хрушчев, ажойиб кунларда нишонланмоқда. Мамлакатимизнинг ҳамма қисмида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездига амалий тайёргарлик кўрилмоқда.

Сўнгра, Совет ҳукуматининг бошлиғи социализмнинг буюк ғалабалари тўғрисида гапиради. У яқинда совет кишисининг космик кемада Ер атрофидаги зафарли парвозини эслатиб ўтди ва прогрессив инсоният совет фани ва техникасининг бу ажойиб ғалабаси билан қувонмоқда ва фахрланмоқда, деб таъкидлади. Мамлакатимиз халқларининг ленинчи Коммунистик партия раҳбарлигида эришган мислсиз ғалабалари бутун дунёни қойил қилмоқда, социализм душманларига даҳшат солмоқда. Улуғ Октябрнинг олижаноб идеялари, халқимизнинг ғоят катта ютуқлари капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларга уларнинг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун, тинчлик, демократия ва социализм учун олиб бораётган курашида илҳом манбаи бўлмоқда. Мамлакатимиз йил сайин бой бўлиб, куч тўпламоқда, унинг экономикаси ва маданияти барқ уриб яшнамоқда. Совет халқи КПСС XXI съезди белгилаб берган коммунистик қурилиш программасини қатъий ва изчиллик билан амалга оширмоқда.

Мамлакатимиз қўлга киритган барча буюк муваффақиятларда, Ленин идеялари, Улуғ Октябрь идеялари ғалабаси учун курашда сизнинг республикангиз халқи меҳнатининг катта ҳиссаси бор, деди Н. С. Хрушчев. Арман халқи улуғ рус халқи билан ва мамлакатимиздаги бошқа халқлар билан асрлар бўйи маҳкам, бузилмас дўстлик алоқалари орқали боғлангандир. Чет эл босқинчиларига, чор самодержавиесига, помешчиклар ва капиталистлар зулмига қарши кўп йиллар давомида олиб борилган курашда қарор топган бу дўстлик Совет ҳокимияти учун курашда, социалистик қурилиш йилларида айниқса мустаҳкамланди.

Н. С. Хрушчев Совет Арманистонининг вужудга келиши тарихига тўхталиб, Кавказ халқларининг энг яхши намояндалари меҳнаткашларнинг бахт-саодати учун биргаликда кураш олиб борганликларини, чор мустабидларига, капиталистларга ва помешчикларга, буржуа миллатчиларига — арман дашнақларига, грузин меньшевикларига, озарбайжон мусоватчиларига нисбатан бирдек муросасиз бўлганликларини айтди. Умумий душманларга қарши курашда вужудга келган интернационал традициялар Закавказье меҳнаткашларининг революцион ҳаракатидаги ажойиб фазилатдир.

Улуғ доҳимиз ва устозимиз Владимир Ильич Ленин Совет Социалистик Арманистонининг бешиги ёнида турган эди. Республиканинг ишчилари, колхозчилари ва меҳнаткаш зиёлилари Арманистон ва бутун Закавказье меҳнаткашларининг революцион курашида бош бўлиб борган, марксизм-ленинизм байроғини, Октябрь ғояларини баланд кўтарган оташин ленинчи большевиклар: И. В. Сталин, М. И. Калинин, С. Г. Шаумян, П. А. Жапаридзе, А. И. Микоян, С. С. Спандарян, Г. К. Оржоникидзе, С. М. Киров, М. Г. Цхакая М. Азизбеков, И. Т. Фиолетов, А. Мясникян, Б. М. Кнунянц ва бошқаларнинг номларини чуқур миннатдорчилик ҳис-туйғулари билан ҳамиша тилга оладилар. Совет ҳокимиятининг ғалабаси арман халқини жисмоний йўқ бўлиб кетишдан қутқазиб қолди, унинг миллий мустақиллигини таъминлади, бахт-саодат, иқтисодий ва маданий жиҳатдан равнақ топишининг йўлини очиб берди.

Н. С. Хрушчев В. И. Лениннинг 1921 йил бошида Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Доғистон, Тоғ республикаси коммунистларига ёзган мактубида электрлаштириш ва суғоришнинг зарурлиги алоҳида уқтириб ўтилганлигини айтди. Совет Россияси арман халқига моддий воситалар билан қардошларча беғараз ёрдам кўрсатди. Ёппасига электрлаштиришнинг зарурлиги тўғрисида, бусиз социализм ва коммунизмнинг моддий-техника негизини яратиш амри-маҳол эканлиги ҳақида Ленин кўрсатмаси Арманистон коммунистларининг жанговар иш программаси бўлди. Ҳозирги кунда биз ана шу программа муваффақиятли амалга оширилаётир, деб фахрланиб айта оламиз.

Совет ҳокимияти йилларида Арманистонда 30 дан зиёдроқ йирик ва ўрта электростанция барпо қилинди. Ҳозирги вақтда Арманистонда йилига 2,7 миллиард киловатт-соатдан зиёдроқ электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Бу — бутун чор Россиясида 1913 йилда ҳосил қилинган электр энергиясидан 1,4 баравар кўпдир. Совет Арманистони аҳоли жон бошига электр энергияси ишлаб чиқариш жиҳатидан Япония ва Италия сингари ривожланган капиталистик мамлакатларни орқада қолдирди. Республикада аҳоли жон бошига Туркиядагига нисбатан 15 баравар ортиқ ва Эрондагига нисбатан 41 баравар ортиқ электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда.

Қудратли энергетика базаси, жуда бой табиий ресурслар, деди сўнгра Н. С. Хрушчев, мислсиз қисқа муддат ичида халқ хўжалигини индустрлаштиришга имкон берди. Совет ҳокимияти йилларида 500 га яқин завод, фабрика ва бошқа йирик саноат корхоналари қурилди. Урушдан кейинги даврнинг ўзидагина Ереван шаҳридаги алюминий заводи, мис-молибден комбинати, Ахтал конлари сингари йирик корхоналар қурилди, Алаверди мис-кимё ва Кафан мисруда комбинатлари анча кенгайтирилди. Ҳозир республика илғор техника билан таъминланган ва республика экономикасида етакчи ўринни мустаҳкам эгаллаб олган кучли саноатга эгадир. Республиканинг саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1913 йилдагига нисбатан деярли 70 баравар кўпайди.

Республикани индустрлаштириш учун кураш жараёнида Арманистон ишчилар синфи ўсди ва чиниқди, ишлаб чиқариш ташкилотчилари бўлган ажойиб инженер ва техник кадрлар етишди.

Н. С. Хрушчев Боку—Тбилиси—Ереван газ қувури ҳақида гапириб, Закавказье меҳнаткашлари бу қурилишни халқлар дўстлиги газ қувури деб атаганликларини айтади. Бу жуда яхши ва тўғри номдир, деди у. Яқинда Арманистон энергетика системаси Озарбайжон ва Грузия республикаларининг энергетика системалари билан туташтирилди. Шу билан ҳамма Закавказье республикалари саноатини янада ривожлантиришнинг ишончли негизи — Закавказье ягона энергетика системаси вужудга келтирилди.

Закавказьедаги қардош республикаларнинг халқлари ўз озодликлари, янги турмуш қуриш учун кўп ўн йилликлар мобайнида биргаликда олиб борилган кураш жараёнида ўз дўстликларини чиниқтирдилар. Халқлар дўстлиги — Совет ҳокимияти қўлга киритган энг буюк ютуқлардан биридир. Бу қардошларча дўстликни сақлаш, пок тутиш ва ривожлантириш керак!

Н. С. Хрушчев Улуғ Ватан уруши йилларида арман халқининг қўшган ҳиссасини таъкидлаб, — етти йиллик план мамлакатимизни ривожлантиришнинг муҳим босқичи эканлигини таъкидлади. Бу план муваффақиятли бажарилмоқда, Умуман Совет Иттифоқи ва хусусан Арманистон халқ хўжалигини ривожлантиришда белгиланган суръатдан илгарилаб бормоқда.

Совет ҳукумати бошлиғи Арманистондаги ишлаб чиқариш илғорларининг номларини айтиб ўтди. Республика ишчилар синфининг ғайрати ва меҳнатдаги жасорати, деди у, етти йиллик план топшириқлари тўла ва ошириб бажарилади, деган ишонч туғдирмоқда. Бироқ, ғалаба ўз-ўзидан келмайди. Етти йиллик план топшириқларини бажариш учун ҳали кўп ва матонат билан меҳнат қилмоқ керак. Бундан буён ҳам ишлаб чиқариш қувватларини тўхтовсиз ошириб бориш лозим. Ахир, етти йиллик планга мувофиқ республика саноати икки баравардан кўпроқ ўсиши керак-ку.

Совет ҳукуматининг бошлиғи айтдики, юбилей кунларида муваффақиятлар ҳақида ҳам, камчиликлар ҳақида ҳам гапирмоқ керак — бу умумий ишимизга манфаат келтиради. Етти йиллик мобайнида ҳал қилишимиз лозим бўлган муҳим вазифалар барча резервларни сафарбар этишни талаб қилади. Республика саноатининг резервлари эса шу вақтга қадар тўла ишга солинмай келикади. Арманистонда ҳали маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан давлат топшириқларини бажармаётган корхоналар бор, баъзи заводларда ишлаб чиқаришга таааллуқли бўлмаган кўп харажатларга йўл қўйилмоқда, брак маҳсулот чиқаришдан зарар кўрилмоқда, маҳсулотнинг сифати паст бўлишига йўл қўйилмоқда.

Давлат томонидан уй-жой қурилишига ажратилаётган маблағлардан тўла фойдаланилмаётганлигига ҳам тоқат қилиб бўлмайди, деб давом қилди Н. С. Хрушчев. Уй-жойларни жиддий нуқсонлари бўлгани ҳолда фойдаланишга топшириш каби ярамас практикага ҳали барҳам берилган эмас.

Н. С. Хрушчев қишлоқ хўжалик масалаларига ўтиб, Арманистоннинг колхоз ва совхоз меҳнаткашлари катта муваффақиятларга эга эканлигини таъкидлади. 1960 йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 1913 йилдагига нисбатан таққослаб олинган нархларда қарийб уч баравар кўпайди. Колхозларнинг жамоат хўжалиги йил сайин мустаҳкамланмоқда, бўлинмас фондлар ортмоқда, колхозчиларнинг даромадлари кўпаймоқда. Арманистон ССР қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ва хусусан чорвачилик, узумчилик, боғдорчилик, сабзавотчиликни ривожлантириш учун қулайлик туғдирадиган табиий-иқтисодий шарт-шароитга эгадир. Аммо, шуни эътироф этиш керакки, республиканинг қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган имконият ва резервлардан ҳали етарлик даражада фойдаланилмаётир. 1960 йилда давлатга узум, сабзавот сотиш планлари бажарилмади. Кейинги йилларда республикада дон экинлари майдонларининг камайиб кетишига йўл қўйилди. Чорвачилик суст ривожланмоқда. Республиканинг колхоз ва совхозларида ем-хашакнинг етишмаслиги орқасида ўтган йили қўйлар кўп миқдорда нобуд бўлганлиги мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир.

Совет ҳукуматининг бошлиғи қишлоқ хўжалик илғорларининг тажрибасидан баъзи мисоллар келтириб айтдики, эрта-индин янада юксак даражага кўтарилиш ва халқнинг ўз эҳтиёжларини тобора тўла қондириши учун турли маҳсулотлар ва товарларни кўпроқ ишлаб чиқариш мақсадида ўз олдингизга каттароқ талаблар қўйишингиз керак.

Коммунистик қурилиш манфаатлари, халқ фаровонлигини тобора ошириш манфаатлари ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигини янада юксак суръатлар билан ривожлантиришни талаб этади. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни аҳолининг талабидан илдамроқ кўпайтириш вазифасини қўйди. Дон, гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш юзасидан Марказий Комитет Пленуми белгилаган тадбирлар тамомила реал бўлиб, уларни бемалол бажариш мумкин. Ҳеч шубҳа йўқки, деди Н. С. Хрушчев, Совет Арманистони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан ўтказилаётган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат учун хом ашё етиштиришни кўпайтириш йўлидаги умумий курашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар.

Сўнгра Н. С. Хрушчев ўз нутқида арман халқининг маданият ва фанни ривожлантиришда эришган муваффақиятлари ҳақида гапирди. У айтдики, ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар реал даромадларининг ортаётганлиги меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги тобора юксалаётганлигини ёрқин исбот этади. Арманистон колхозларининг пул даромадлари 1953 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайди. Совет ҳокимияти йилларида Арманистоннинг илмий ходимлардан иборат ўз кадрлари ўсиб етишди. Ҳозирги вақтда 10 олий ўқув юртида ва 79 илмий муассасада амалий ва назарий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган вазифалар муваффақиятли суратда ҳал этилмоқда. Арманистон олимлари ядро физикаси, астрофизика, юлдуз астрономияси, математика, ҳисоблаш техникаси, кибернетика муҳим проблемаларини ва бошқа проблемаларни муваффақиятли суратда ишлаб чиқмоқдалар. Арман адабиёти совет ва жаҳон адабиёти тарихида муносиб ўрин олди.

Бир вақтлар турли сабаб ва ҳолатларга кўра ўз ватанидан маҳрум бўлиб қолган минг-минглаб арманларнинг меҳнат қилиши ва ижодий фаолияти учун, халққа хизмат қилиши учун Ватанимиз кенг истиқболлар очиб берди.

Н. С. Хрушчев уқтириб ўтдики, бир нарса шубҳасиздир — Совет Социалистик Арманистони ҳозирги вақтда арман халқининг энг яхши ўғил ва қизларини ўзига жалб этаётган марказ, магнит бўлиб қолди. Республика ташкилотлари ватанга қайтиб келаётган кишиларнинг меҳнати ва ҳаёти тўғрисида бундан буён ҳам ғамхўрлик қилишлари лозим.

Совет ҳукуматининг бошлиғи ўз нутқининг охирги қисмини халқаро масалаларга бағишлади. У Ғарб давлатларининг ҳарбий монополиялари авж олдириб юборган зўр бериб қуролланиш ҳақида гапирди ва қурол тўплаш, хусусан ядро қуролини тўплаш халқлар учун жуда катта хавф туғдиради, деди. Империалистлар янги жаҳон урушини бошлаб юборишга муваффақ бўлганларида бу уруш шундай кўп қурбонлар берилишига ва моддий бойликларнинг вайрон қилинишига олиб келган бўлур эдики, буни ҳатто тасаввур этиш ҳам қийин.

Равшанки, халқлар янги жаҳон уруши муқаррардир, деган фикрга асло қўшилолмайдилар. Халқлар атом қуролини пеш қилаётган империалист васвасаларнинг шаҳарларни кул қилиб кўкка совуришларига, унумдор ерларни ва боғларни чўлларга айлантиришларига йўл қўймаслик учун чора кўришлари лозим.

Совет Иттифоқи, қудратли социалистик лагерь инсониятнинг тинчлик учун, қирғинчилик келтирувчи ядро урушининг олдини олиш учун олиб бораётган курашининг мустаҳкам таянчи бўлиб қолди. Тинч-тотув яшаш позициясида турган Совет Иттифоқи, қудратли социалистик лагернинг мавжудлиги буюк бахтдир. Улар урушни бошлаб юборишга интилаётган кучларни тийиб турувчи омилдир.

Совет Иттифоқи ҳукумати билан Америка Қўшма Штатлари ҳукумати ўртасида, деди Н. С. Хрушчев, қуролсизланиш масалалари юзасидан яқинда музокаралар бошланиши керак. Биз ана шу музокараларга ғоят жиддий тайёрланмоқдамиз ва иккинчи томон ҳам бу музокараларга худди шундай масъулиятни сезиб ёндошади, деб умид қиламиз.

Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, биз Ғарб мамлакатлари билан, шу жумладан Қўшма Штатлар билан ҳам муносабатларимизни яхшилаш учун зўр бериб ҳаракат қилдик ва ҳаракат қилмоқдамиз. Бу эса, барча мамлакатлар халқларининг манфаатларига тааллуқли бўлган жуда муҳим халқаро масалаларни ҳал этиш учун жуда зарурдир.

Биз қуролсизланиш проблемасини ҳал этишни, Европада иккинчи жаҳон урушининг оқибатларини тугатишни, Германия билан сулҳ шартномасини ғузишни истаймиз ва шу билан мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга халақит бераётган, бутун дунёда тинчликни сақлаш ва таъминлашга халақит бераётган ғовларни бартараф қилишни истаймиз. Халқлар барча давлатларнинг, улардаги социал ва сиёсий тузумнинг қандай бўлишидан қатъи назар, тинч-тотув яшаши учун шарт-шароит вужудга келтирилишидан манфаатдордирлар.

Кубага қарши қилинган агрессия халқаро вазиятни кескинлаштириб юборди. Аммо биз ер юзининг ана шу районида воқеаларнинг бундан буёнги ривожига умидворлик билан назар солишни истар эдик. Халқлар АҚШ давлат арбобларининг рўй берган воқеадан хулоса чиқариб олишларини ва зарур сабоқ олишларини кутмоқдалар.

Н. С. Хрушчев Лаосдаги воқеаларга тўхталиб, Женевада бўладиган кенгашнинг муваффақиятли бўлишини тилади. Бунинг учун унча кўп нарса керак эмас. Ғарб давлатлари Лаосни ўзларининг ҳарбий плацдармларига айлантириш йўлидаги уринишларидан воз кечишлари ва унинг ички ишларига аралашмасликлари керак. Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, биз Лаосни агрессив ҳарбий блоклар иштирокчиси сифатида эмас, балки мустақил ва бетараф давлат сифатида кўришни истаётганлигимизни яна бир марта айтамиз.

Совет ҳукумати, деди Н. С. Хрушчев, тинч-тотув яшаш принциплари асосида кескинликни юмшатиш ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш сиёсатини сабот ва изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Ана шу ленинча сиёсат тамомила тўғри сиёсат бўлиб чиқди. Совет Иттифоқининг, социалистик лагердаги мамлакатларнинг тинчликсеварлик сиёсати ҳамманинг таҳсинига ва бутун дунё меҳнаткашларининг ҳурматига сазовор бўлганлигини қайд этиб ўтиш биз учун жуда ёқимлидир. Бу сиёсат халқларга тинчлик бағишлайди ва янги, ҳалокатли уруш хавфидан халос қилади, халқларнинг эркинлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлайди, тинчлик ва тараққиёт душманларининг кирдикорларини барбод этади. Биз бундай сиёсатни бундан буён ҳам сабот билан амалга ошира берамиз.

Н. С. Хрушчев мажлис қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табриги текстини ўқиб берди. У Совет Арманистонининг, унинг Коммунистик партиясининг қирқ йиллиги шарафига, улуғ Ватан — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи шарафига, СССР халқларининг қардошларча бузилмас дўстлиги, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига табрик сўзлари айтди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқи Совет Иттифоқидаги ҳамма радио станциялар орқали олиб эшиттирилди. (ТАСС).

☆ ☆ ☆

Қардош республикалар делегацияларининг раҳбарлари сўзга чиққанларида залдагилар уларни ғоят самимий кутиб олдилар. Мажлисда РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. Н. Органов, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Д. С. Коротченко, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. И. Козлов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, Қозоғистон КП Марказий Комитетининг секретари Н. Ж. Жондилдин, Грузия КП Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе, Озарбайжон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ю. Охундов, Литва КП Марказий Комитетининг секретари В. Ю. Нюнка, Молдавия Олий Совети Президиумининг Раиси И. С. Кодица, Латвия КП Марказий Комитетининг секретари А. Э. Восс, Қирғизистон Министрлар Советининг Раиси К. Д. Дикамбоев, Тожикистон Олий Совети Президиумининг Раиси М. Р. Раҳматов, Туркманистон Министрлар Советининг Раиси А. А. Анналиев, Эстония КП Марказий Комитетининг секретари О. М. Меримаа. Доғистон область партия комитетининг секретари Р. А. Элдоровалар табрик нутқи сўзлаб, арман халқига коммунизм қурилишида янги муваффақиятлар тиладилар.

Ёш ленинчилар — пионерлар мажлис аҳлини табриклайдилар. Ёш авлод коммунизм қурувчиларининг биринчи сафларида бўлишга қатъий бел боғлаганлигини айтади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига баланд ватанпарварлик руҳи билан табрикнома қабул қилинади.

Шундан кейин Я. Н. Заробян якунловчи нутқ сўзлайди. У самимий қутловлар ҳамда Арманистон халқига муваффақиятлар тилаб айтилган сўзлар учун нотиқларга ташаккур билдириб, тантанали мажлисни ёпиқ деб эълон қилади.

Партия гимни — «Интернационал»нинг улуғвор оҳанглари зал гумбазлари остида янграб эшитилади. Мажлис аҳли «Интернационал»ни ўринларидан туриб ижро этадилар.

Ереваңдаги тантанали мажлис Социализм мамлакатининг бундан кейинги тараққиёти негизи — СССР халқларининг қардошларча бузилмас дўстлигини таъминлаган ленинчи миллий сиёсат ҳаётбахш кучининг ёрқин далили бўлди.

Н. С. ХРУШЧЕВ
чет эллардан келган бир группа арманлар билан суҳбатлашди

ЕРЕВАН, 7 май. (ТАСС). Бугун КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев чет эллардан келган ва Арманистонда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ҳамда Арманистон Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 40 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашаётган бир группа арманларни қабул қилди.

Арманистоннинг 40 йиллиги шарафига қабул маросими

ЕРЕВАН, 7 май. (ТАСС). Бугун кечқурун Арманистон Компартияси Марказий Комитети, Арманистон ССР Олий Совети Президиуми ва Арманистон ССР Министрлар Совети Арманистон Совет Социалистик Республикаси ҳамда Арманистон Коммунистик партиясининг 40 йиллиги шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Н. Заробян, Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. М. Арушанян, Республика Министрлар Советининг Раиси А. Е. Кочинян, Совет Иттифоқи Маршали И. Х. Баграмян, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, республика Олий Совети Президиумининг аъзолари, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ҳамда Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, министрлар, республика бошқармаларининг раҳбарлари, СССР Олий Совети ва Арманистон ССР Олий Советининг депутатлари, революцион жангларнинг иштирокчилари бўлган кекса большевиклар ва ишлаб чиқариш новаторлари, социалистик далаларнинг илғорлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, Совет Армиясининг генераллари ва офицерлари, матбуот ходимлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида ҳозир бўлганлар орасида юбилей тантаналарига келган қардош республикалар — РСФСР, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Литва, Молдавия, Латвия, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Эстония, Доғистон делегациялари ҳам бор эдилар.

Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Н. Заробян республика юбилейини ва Арманистон Компартияси юбилейини байрам қилишда қатнашган ўртоқ Н. С. Хрушчевни, қардош республикаларнинг вакилларини, чет эллик меҳмонларни Арманистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати ва бутун арман халқи номидан қизғин табриклади.

Қабул маросими ғоят самимий вазиятда ўтди.

Арманистонда байрам давом этмоқда

ЕРЕВАН, 7 май. (ТАСС). Арманистонда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва Арманистон Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 40 йиллиги муносабати билан бу ерда бошланган байрам икки кундан бери давом этмоқда.

Бу ерда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев эрталабдан шаҳардаги саноат корхоналари ва шаҳарнинг ўзи билан танишишни давом эттирди. Арманистон Коммунистик партияси ва ҳукуматининг раҳбарлари унга ҳамроҳ бўлдилар. Меҳнаткашлар ўртоқ Н. С. Хрушчевни ҳамма ерда зўр самимият билан кутиб олаётирлар.

БУГУН ЎЗБЕКИСТОН АРХИТЕКТОРЛАРИНИНГ VI СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ

Шаҳар ва қишлоқларимиз янада гўзал ва кўркам бўлсин

Шонли Коммунистик партиямизнинг XXI съезди мамлакатимизда коммунизм қурилишини авж олдириб юборишнинг ғоят катта программасини белгилаб берди. Етти йиллик вазифалари ўз навбатида қурилиш ишларини янада такомиллаштириш ва бинокорликда меҳнат унумдорлигини ошириш, биноларни фақат бугунги куннинг талабига қараб эмас, балки эртаги куннинг ҳам талабларини кўзда тутган ҳолда лойиҳалаштириш ва қуришни тақоза этади. Бинобарин, совет кишиларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўла равишда қондирадиган, турмушнинг коммунистик формаларига мос келадиган аҳоли яшайдиган пунктларни планлаштириш ва қуришнинг янги принципларини ишлаб чиқиш, турар-жой ва маданий-маиший муассаса биноларининг янги типларини яратиш зарур.

Республика архитекторлари шаҳар ва қишлоқларни ривожлантириш ва уларни қайта қуриш бўйича бир қатор муҳим тадбирларни амалга ошира бориб, шаҳар ва қишлоқларимиз ўртасидаги тафовутларни йўқотиш соҳасида жуда катта ишларни бажармоқдалар. Кўпгина қишлоқларимизда маданият саройлари, истироҳат боғлари, турли хил маданий-маиший муассаса бинолари қурилганлиги ва бу соҳадаги ишлар авж олдириб юборилганлиги ҳаммамизни беҳад хурсанд қилади.

Республикамизда уй-жой танқислигини тугатиш юзасидан қўйилган вазифа муваффақият билан бажарилмоқда. Чунончи, шаҳарларимизда бутун-бутун турар-жой массивлари қад кўтармоқда, ўтмишдан мерос қолган қинғир-қийшиқ тор кўчалар ўрнида кенг ва обод кўчалар, янги-янги майдонлар, сайргоҳлар барпо этилмоқда. Ҳозирги замон қурилиш техникаси, прогрессив материал ва конструкциялардан кенг равишда фойдаланиш кўзда тутилган ҳамда Тошкент шароитига мослаб ишланган Ҳамза театрининг ва 2200 кишига мўлжалланган йирик панорама кинотеатрининг янги бино лойиҳалари республика архитектурасининг сўнгги пайтда қўлга киритган катта ютуқларидан биридир.

Халқимизнинг талаби, унинг маданий савияси кундан-кунга ўсмоқда. Янги уйга кўчиб кирган оила фақат бошпана ахтарибгина келмайди, балки у янги яшайдиган уйининг барча қулайликларга эга бўлишини, квартира хоналарини моддий эҳтиёжлар билан бирга эстетик талабларга ҳам мос келадиган ҳолда кўришни истайди. Прогрессив усулда қурилаётган Чиланзор ва Оқтепа массивларидаги уй-жой биноларини кўздан кечирсак, улар ана шу талабларга тўла жавоб бермаслигини кўрамиз. Бу районларнинг бир хиллиги, барча иморатларнинг бир-биридан деярли фарқ қилмаслиги, бунинг устига қурилиш сифатининг пастлиги асосий камчиликдир. Ҳовлиларнинг саҳни бир хил бўлиб, уларнинг ҳаммаёғи бир типдаги айвонлар билан ўралган. Баъзи оилалар ўз айвонлари олдини темир ва ёғоч панжаралар, турли хил форма ва рангдаги ромлар билан бекитиб олиб, лойиҳага «тузатиш» киритганлар. Балки бундай хонадонлар ҳақлидирлар, чунки айвонларнинг олди серқатнов бўлганлиги учун унда бемалол дам олиш имконияти йўқ.

Қурилишни типизациялаш ва индустрлаштириш архитектурада янгича эстетик сифатларни ривожлантириш учун замин ҳозирлайди. Йиғма темир-бетонларни қўлланиш янги прогрессив конструкциялар ва материаллардан фойдаланиш иморатнинг вазнини камайтириш, қурилиш участкасини монтаж участкасига айлантириш имконини беради.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ташқи безаклар — мачит, мадраса ва мақбараларга хос бўлган архаик шакллар, ортиқча харажат талаб қиладиган классик усуллар, ўринсиз дабдабаликлар ва бошқалар кўп йиллар давомида архитектурамизда ҳукм суриб келди. Тошкентнинг Бируний майдонидаги турар-жой ва маданий-маиший муассаса бинолари, қурилиш министрлигининг биноси, Навоий кўчасидаги уй-жой бинолари, Ленин кўчасидаги поликлиника биноси фикримизнинг яққол далилидир.

Ҳозирги пайтда архитектурадаги гўзаллик тушунчасини қайта кўриб чиқиш пайти келди. Гўзаллик тушунчасини иморатнинг яшаш учун қулайлиги, мустаҳкамлиги, арзонлиги билан чамбарчас боғлаб, ўз иш усулимизнинг асоси қилиб олишимиз зарур. Афсуски, қурилиш ёппасига индустрлаштирилган ҳозирги шароитда айрим архитекторларимиз архитектуранинг эстетик проблемаларига етарли эътибор бермаётирлар.

Бир хиллик, кўримсизлик ва бошқа ҳоллардан қутилиш учун турар-жой биноларининг хилма-хил серияларини яратиш зарур. Бу сериялардан маҳаллий шароитларга мослаштирилган, ландшафтни ҳисобга олган, бири-бирига ўхшамайдиган бинолар комплексини ва майдонларни яратиш зарур. Буни қотиб қолган классик қоидалар асосида эмас, балки эркин композицион приёмлар билан амалга ошириш керак. Бизнинг иссиқ иқлим шароитимизда деворларни қизиб кетишдан сақлаш, ёзги хоналар — айвон, равон, шийпонлар ташкил этиш соҳасида олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишларини бутун чоралар билан кучайтириш лозим. Ҳам овқатланадиган, ҳам ухлайдиган, дам оладиган ва турли уй-рўзғор ишларини бажарадиган — хуллас, бутун баҳор, ёз ва куз ойлари бўйи киши ўз ҳаётини ўтказадиган жой, ёзлик хоналар — айвон, равон шийпон ва ҳоказоларни лойиҳалаштириш ва бинокорлик ишлари практикасида шу пайтгача қўлланиш мақсадга мувофиқ ҳал қилинган эмас.

Қурилиш материалларидан унумли фойдаланиш, бинокорлик ишларини индустрлаштириш, ўзаро ижодий ҳамкорлик — буларнинг ҳаммаси миллий республикаларнинг архитекторлари бир йўлдан бораётганлигини кўрсатади. Ҳозирги шароитда кўп миллатли совет архитектурасини ривожлантиришда прогрессив миллий меросларнинг роли беҳад каттадир. Асрлар давомида сақланиб келган халқ ижодининг прогрессив усулларини қунт билан ўрганиш муҳимдир. Лекин миллий меросни новаторлик билан бирга қўллана билиш лозим. Миллий шакл ва усуллар ижодий равишда ўзлаштирилмаса, совет архитектурасининг социалистик принципларига хилоф равишда иш тутилган бўлади. У ёки бу халқ архитектурасининг шаклланишида шу халқ турмушининг ўзига хос хусусиятлари қурилиш материаллари ва техника билан бир қаторда жойнинг табиий иқлим шароити ҳам катта роль ўйнайди. Бу табиий шароит Иттифоқимиздагина турлича бўлмасдан, балки республикамизнинг ўзида ҳам хилма-хилдир. Демак, турли иқлим шароитларида қурилган бинолар турлича архитектура ечимига эгадир. Бир жойда совуқдан сақланиш зарур бўлса, иккинчи бир жойда иссиқдан сақланиш керак.

Совет архитектураси ўзининг соддалиги, мақсадга мувофиқлик, мустақиллик ва арзонлик хусусиятлари билан характерлидир. Совет архитектураси қаторида ўзбек совет архитектураси ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши лозим. Бу ўзига хослик дастлабки пайтларда ўзбек миллатининг баъзи турғун характери ва психик тузулиши, турмуш ҳамда иқлимий шароитлардан иборат бўлади. Кейинчалик эса миллий хусусиятлар ягона социалистик стильнинг фақат иқлим шароитини ўзида акс эттирган маҳаллий хусусиятга айланади.

Давримиз талабларига жавоб берадиган тўлақонли архитектура асарлари яратиш учун экспериментал лойиҳа ва қурилиш ишларини кенг кўламда авж олдириб юбориш лозим. Яхши ташкил этилган эксперименталь ишлар турар-жой ва маданий-маиший муассаса бинолари, мактаб, клуб, кинотеатр ва бошқа қурилишлардаги қолоқлик ҳамда камчиликларни имкони борича тезроқ тугатиш имконини беради.

Архитекторлар, инженер, техник, илмий ходим ва бинокорларнинг ўзаро ижодий ҳамкорлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, янгиликларни кенг қўлланиш социалистик архитектурамизни янада ривожлантиришнинг асосий заминидир. Шу сабабли биз ўз ишимизда ана шу масалаларга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Ф. ТУРСУНОВ,
архитектор.

ЕРЕВАНДА МИТИНГ

ЕРЕВАН, 7 май. (ТАСС). Бугун Республика стадионида шаҳар меҳнаткашларининг Арманистонда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва Арманистон Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 40 йиллигига бағишланган митинг бўлди.

Митингни Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Н. Заробян очди. Митингда Киров номидаги заводнинг ишчиси О. Жаукян, Норашен қишлоғидаги колхоз раиси Г. Авакян, Ленинакандаги Май қўзғолони номли тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси М. Антонова, Жил қишлоғидаги колхознинг звено бошлиғи М. Аббосова, академик В. Амбарцумян, Ереван университетининг студенти Д. Манасерян сўзга чиқдилар.

Нутқларда СССР халқларининг қардошларча дўстлигини, совет халқини коммунистик қурилишнинг жаҳонни ҳайратда қолдираётган ғалабалари сари бошлаб бораётган улуғ коммунистик партияни шарафловчи сўзлар қайта-қайта янграб эшитилади.

Гулдурос қарсаклар билан кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев ёрқин нутқ сўзлади. Унинг нутқи зўр диққат-эътибор билан тингланди. Н. С. Хрушчевнинг нутқи митинг аҳлининг гулдурос қарсаклари билан кўп марта бўлиниб турди.

БУГУН 9 МАЙ— ҒАЛАБА КУНИ

СОВЕТ ИЖТИМОИЙ ВА ДАВЛАТ ТУЗУМИНИНГ БУЮК ҒАЛАБАСИ

«Ғалаба». Сталин мукофотининг лауреати рассом П. А. Кривоногов ишлаган расм.
(ТАСС фотохроникаси).

Жаҳоншумул-тарихий ғалаба

В. КУРАСОВ,
Армия генерали

Бундан 16 йил муқаддам, 1945 йилнинг 8 майида Берлинда Германиянинг сўзсиз таслим бўлиши ҳақидаги акт имзоланиб, Европада уруш жаҳоншумул-тарихий ғалаба билан тугалланганди. Бу ғалабага совет халқи ва унинг қуролли кучлари ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар.

9 май ғалаба куни деб эълон қилинди. Шундан буён ҳар йили совет халқи ва барча яхши ниятли кишилар фашистлар Германияси устидан қозонилган улуғ ғалаба кунини ўзларининг катта байрамларидек тантанали равишда нишонлайдилар.

* * *

Бутун прогрессив инсониятнинг эътироф этишича, Совет Иттифоқи герман фашизми ва унинг иттифоқчиларини тор-мор келтиришда асосий роль ўйнади, унинг Улуғ Ватан уруши эса ҳаққоний равишда иккинчи жаҳон урушининг энг муҳим ва ҳал қилувчи қисми ҳисобланади.

Бироқ, тарихни сохталаштирувчи буржуа идеологлари Совет Иттифоқининг ўтган урушдаги бу ролининг аҳамиятини ҳар қандай йўллар билан камситиш ва бузиб кўрсатишга, социализм мамлакати ғалабасининг жаҳоншумул-тарихий аҳамиятини инкор этишга ва унинг халқаро обрўсини пасайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин тарихий фактлар буржуа сохтакорларининг бу хилдаги ғайри-илмий интилишларини тўла равишда фош қилиб ташламоқда. Бунинг учун Совет Иттифоқининг ўтган урушдан кузатган сиёсий мақсадларини ва герман фашизмининг асосий кучлари Қизил Армия томонидан совет-герман фронтида тор-мор келтирилганлигини эсга олишнинг ўзи тўла кифоя қилади.

Маълумки, Совет Иттифоқининг урушдан кузатган бу сиёсий мақсадлари герман фашизми томонидан вужудга келтирилган хавфни бартараф қилиш, унинг қуролли кучларини тор-мор этиш. Европа халқларини «фашизм зулмидан халос қилишдан иборат эди. Урушдан кузатилган сиёсий мақсадларнинг моҳияти яна шундан иборат эдики, Совет Иттифоқининг фашизм билан жон олиб-жон бериб қилган олишувида бизнинг сиёсатимизда компромисга йўл қўйилиши ва стратегияда охирига етказилмаган чоралар билан қаноатланилиши ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас эди Совет Иттифоқининг қуролли кураши немис-фашист кучларини тўла тор-мор келтириш ва фашист герман давлатини йўқ қилиб ташлашга мўлжалланган эди. Совет Иттифоқининг урушдан кузатган бу ҳаққоний сиёсий мақсадлари совет халқининг асл мақсадларини ифода этар ва барча эрксевар халқларнинг интилишларига мос келар эди. Совет халқи урушдан кузатилган ана шу сиёсий мақсадларга эришиш учун улуғ Ватан урушига сафарбар этилган эди.

АҚШ, Англия ва Франциянинг урушдан кузатган сиёсий мақсадлари бошқача характерга эга эди. Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки даврида ана шу давлатларнинг ҳукмрон доиралари халқларнинг куч-ғайратини Германияга қарши урушга сафарбар этиш ўрнига, фашистлар Германиясини Польша босиб олиниши биланоқ Совет Иттифоқига қарши қўйишга интилдилар. Маълумки, иккинчи жаҳон уруши давомида АҚШ ва Англиянинг ҳукмрон доиралари Совет Иттифоқи ва Германия бир-бирларини қонсиратишларига ва шу билан урушдан кейин жаҳонда Америка ва Англия империализми ҳукмронлик ўрнатиши учун шароит яратилишига умид боғладилар. Мутлақо равшанки, Англия, Америка қуролли кучлари томонидан қуролли курашнинг иккиланган ҳолда ва суст ривожлантирилиши, хусусан иккинчи фронтни очишни орқага чўзишларининг сабаби ҳам урушдан кузатилган ана шу каби сиёсий мақсадлар билан боғлиқ эди.

Совет Иттифоқининг герман фашизми устидан қозонилган жаҳоншумул-тарихий ғалабага қўшган ҳал қилувчи ҳиссаси шундан иборатки герман фашизмининг асосий кучлари Африка ёки Ғарбий Европадаги бирон уруш майдонида эмас. балки совет-герман фронтида тор-мор қилинди. Улуғ Ватан урушининг бутун давомида, вассалларини ҳисобга олмаганда, фашистлар Германияси кучларининг 60—70 проценти совет-герман фронтида кураш олиб борган эди. Бутун уруш давомида совет-герман фронти фақат улуғ Ватан урушининггина эмас, балки бутун иккинчи жаҳон урушининг тақдири ҳал қилинган асосий уруш майдони бўлди. Шимолий Африкада эмас, даставвал. ана шу ерда, Москва остоналаридаги улуғ жангда фашистлар Германияси биринчи йирик мағлубиятга учради ва гитлернинг «яшин тезлигидаги» уруш плани барбод бўлди, шундан сўнг уруш чўзилиб кетди. Немис-фашист қўшинларининг Сталинград ва Курск остоналарида тор-мор келтирилиши иккинчи жаҳон урушида антифашист коалицияси фойдасига тубли ўзгариш ясалганлигини билдирди. Бу биз учун жуда қийин бўлган, ҳали Ғарбий Европада фашистлар Германиясига қарши курашнинг иккинчи фронти мавжуд бўлмаган ва гитлерчилар ўзларининг барча асосий кучлари ҳамда воситаларини совет-герман фронтида тўплай олишлари мумкин бўлган вақтда юз берди. Европада 1944 йилнинг ўрталарида иккинчи фронтнинг очилиши энди у илгари ўйнаши лозим бўлган аҳамиятга эга эмас эди, чунки Совет Иттифоқи ва унинг Қизил Армияси эндиликда иккинчи фронтсиз ҳам душманни узил-кесил тор-мор келтира олиши ҳамда ўзининг ҳалоскорлик миссиясини бажара олиши ҳаммага аён эди.

Совет қуролли кучлари Улуғ Ватан урушининг деярли кейинги икки йили мобайнида тўхтовсиз равишда ва тобора кенг кўламда олиб борган йирик стратегик ҳужум операциялари каби операциялар ҳали урушлар тарихида кўрилмаган эди. Ана шу операциялар натижасида совет-герман фронтида фашистлар Германиясининг асосий кучлари узил-кесил тор-мор қилинди.

Совет халқи ва унинг қуролли кучлари ўтган урушда фақат немис-фашист қуролли кучлари устидан тўла ғалаба қозонибгина қолмай, балки фашизм томонидан қул қилинган Европа халқларини, шу жумладан немис халқини ҳам озод қилиб, улуғ жасорат кўрсатдилар. Совет халқининг бу жаҳоншумул-тарихий ғалабаси жаҳон тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилди ва у асрлар давомида ўчмайди.

* * *

Биз улуғ Ватан урушининг бутун давомида урушнинг барча синовларига муваффақиятли бардош берган ижтимоий тузумимиз ўзининг шубҳасиз афзаллигини кўрсатганлиги туфайли ғалаба қилдик. Бу тузум Совет давлатининг оммани душманга қаршилик кўрсатишга сафарбар этиш, мамлакатимизнинг ҳарбий хўжалигини тез ташкил этиш соҳасидаги мисли кўрилмаган имкониятларини очиб берди.

Биз шунинг учун ҳам ғалаба қилдикки, асосини ишчилар билан деҳқонларнинг мустаҳкам иттифоқи, халқлар дўстлиги ташкил қилган бизнинг давлат тузумимиз дунёда энг мустаҳкам ва илғор тузум ҳисобланади. Совет ҳокимиятининг ўзи бизнинг давлат тузумимизга енгилмас куч бағишлайди.

Биз яна шунинг учун ҳам ғалаба қилдикки, капиталистик мамлакатларнинг армиясидан тубли равишда фарқ қилувчи янги типдаги армия, социалистик давлат армияси бўлган Қизил Армиямизнинг ажойиб сифатлари бу урушда жуда катта куч билан яна бир карра намоён бўлди. У совет ижтимоий ва давлат тузумининг кучи ҳамда афзаллигини ўзида мужассамлантирганлиги сабабли енгилмади. Душман бизнинг қуролли кучларимиз немис-фашист армиясининг зарбаларига бардош беролмайди деб ўйлаб, бу соҳада ҳам янглишди. Ҳақиқатда эса уруш давомида душман кучлари заифлашгани ҳолда. Қизил Армиянинг кучлари ўсиб, мустаҳкамланиб ва ривожланиб борди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Совет давлати куч ва қудратининг асосий манбаи ва улуғ ғалабамизнинг асосий илҳомчисидир. Ана шу доно ва жонажон партиямиз совет халқи ҳамда унинг Қуролли Кучларини илҳомлантирди ва душманга қарши курашга отлантирди, У марксизм-ленинизм таълимотига амал қилиб, немис-фашист армияларини тор-мор этиш ва фашизмни йўқ қилиб ташлаш, Совет давлатини ҳамда унинг Қуролли Кучларини ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, фашизм томонидан қул қилинган Европа халқларини озод қилиш каби урушнинг энг қийин вазифаларини муваффақиятли ҳал қилди. Коммунистик партия Қуролли Кучларни мустаҳкамлаш ва унинг сафларида ўз таъсирини кучайтириш, мамлакат экономикасини ҳарбий изга кўчириш, урушнинг ғалаба билан тугалланишини таъминлаган қудратли ҳарбий саноатни вужудга келтириш соҳаларида жуда катта ишлар қилди.

* * *

Мамлакатимиз фашизм устидан қозонилган жаҳоншумул-тарихий ғалабани улуғ етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун ҳаракат қилаётган совет халқининг ватанпарварлиги мисли кўрилмаган даражада юксалган бир вазиятда нишонламоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари саноатда, қишлоқ хўжалигида, транспортда — хуллас, ҳамма соҳада партиямизнинг шу йил октябрь ойида бўладиган XXII съездини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўраяптилар. Улар ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олмоқдалар. Саноатимиз ўз планларини ошириб бажариб. тўхтовсиз юксалиб бораяпти. Қишлоқ хўжалигимиз бирмунча муваффақиятларга эришди. Бироқ, у ҳали социалистик саноатнинг тез ривожланишидан ва аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабларидан орқада қолаётир. Мамлакатимиз фан ва саноат прогресси соҳасида ажойиб муваффақиятларга эришди. Бортида одам бўлган «Восток» йўлдош-кеманинг жаҳон тарихида биринчи марта космосга учирилганлиги бунинг ёрқин далилидир. Биринчи космонавт совет кишиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Юрий Алексеевич Гагарин бўлди.

Икки ижтимоий система — капиталистик ва социалистик системанинг жаҳон мусобақасида социализм юксалмоқда. ички қарама-қаршиликлардан емирилаётган капитализм эса инқирозга юз тутмоқда. Жаҳон капиталистик экономикаси янги йирик ларзалар ва кризислардан қочиб қутилишга қодир эмас.

Уруш ва тинчлик масаласи Совет Иттифоқи етакчи роль ўйнаётган ҳозирги замонда жаҳон сиёсатининг тубли порблемаси бўлиб қолди. Совет давлати ва социалистик лагерь мамлакатлари капиталистик мамлакатлар билан бўлган ўз муносабатларида икки система — капиталистик ва социалистик системаларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча принципни қатъий туриб, оғишмай амалга оширмоқдалар.

* * *

Ер юзидаги барча халқлар тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашни истамоқдалар ва бунга жуда катта куч билан интилмоқдалар. Улар абадий уруш бўлмаслигини хоҳлайдилар. Бироқ, ҳали империализм сақланиб қолар экан, босқинчилик урушлари учун ҳам замин қолаверади. Айниқса, Совет Иттифоқи халқлари буни доимо эсда тутишлари зарур.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати буни ҳисобга олиб, мамлакатимизда коммунистик қурилишни кенг ривожлантириш билан бирга, унинг мудофаа қобилиятини муттасил мустаҳкамламоқдалар ва улуғ Ватанимиз ҳамда унинг Қуролли Кучлари ҳар қандай агрессорнинг ҳужумини қайтаришга доимо шайланиб туриши учун барча зарур чораларни кўраётирлар. Партия ва ҳукуматимиз доимий ғамхўрлик қилаётганликлари туфайли Совет Иттифоқининг Қуролли Кучлари ҳозирги замон уруши талаблари даражасига кўтарилди. Эндиликда у энг замонавий курол-аслаҳа ва илғор ҳарбий техника билан жиҳозланган. У ўзининг ҳарбий маҳоратини ва санъатини муваффақият билан такомиллаштирмоқда жанговар тайёргарлигини тинмай оширaётир.

Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган Қуролли Кучларимиз улуғ социалистик Ватанимизни ҳимоя қилишдан иборат ўзининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини адо этишга ҳамиша тайёр.

КАСБИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Мен Совет Армияси сафида хизмат қилиб юрганимда мамлакатимизнинг донгдор чўчқабоқари Чиж тўғрисида ажойиб гапларни эшитар эдим. Шунда армиядан қайтгач, албатта мен ҳам шу касбни эгаллашга ҳаракат қиламан деб кўнглимга тугиб қўйдим.

Мана, жонажон колхоз қишлоғига қайтганимга икки йилдан ошди. Колхоз правлениеси менинг истагимни билганидан сўнг қўллаб-қувватлади. Тажрибали чорвадор Иван Токарев бошлиқ чўчқачилик фермасида ишлай бошладим.

Натижа ёмон бўлаётгани йўқ. Биз чўчқаларни группа-группа усулида боқишга кўчганимиздан сўнг иш янада юришиб кетди. Вақтида ем-хашак билан таъминланиб турган жониворлар жуда тез семираяпти. Ҳар бирининг этига бир суткада 600—700 граммдан эт қўшилмоқда.

Ўтган йили 900 бош чўчқани бўрдоқига боқиб. давлатга 900 центнерга яқин гўшт топширдик. Бу йилги аҳдимиз ўтган йилдагидан ҳам юқори кўрсаткичга эришишдир. Шу кунларда 500 дан ортиқ чўчқа бўрдоқига боқилаяпти.

Колхоз правлениеси гўшт етиштиришнинг асосий манбаи бўлган чўчқачиликни янада ривожлантиришда бизга ҳамма шароитни яратиб берган. Ем етарли миқдорда жамғарилган. Концентрат озуқаларни ҳам ўз вақтида бериб турамиз. Ўтган йили давлатга топширилган чўчқаларнинг ўртача оғирлиги 80—90 килограммни ташкил этган эди. Бу йил ҳар бир чўчқанинг оғирлиги 100 килограммга етгандан сўнг гўштга топширмоқдамиз.

Мен қунт билан меҳнат қилиб, бу касбнинг икир-чикирларини анча яхши ўрганиб олдим. Халқимизга арзон ва ёғлиқ гўшт етказиб бериш ишига ҳисса қўшаётганлигим билан фахрланаман.

Анатолий СЕЛИВЕСТРОВ,
Калинин районидаги Охунбобоев номли колхознинг чўчқабоқари.

СВЕРДЛОВСКДАН ХАТ

ТИНЧ МЕҲНАТ ПОСБОНЛАРИ

Деҳқонбой Бешбоев Совет Армияси сафига чақирилишидан аввал Тошкент областининг Тўйтепа қишлоғидаги 74-автобазада шофер бўлиб ишларди. У ҳарбий қисмга келгач, тўғри машина рулига ўтирди. Ўз касбини яхши билган меҳнатсевар ва интизомли бу йигит тезда ўртоқлари ўртасида обрў-эътибор қозонди. Бир неча ёш солдатларга машинанинг тузилиши ва унинг техника қаровини пухта эгаллаб олишда ёрдамлашди. Жумладан у, оддий жангчилардан Муҳиддин Охунов, Жўрабой Кенжабоевларга автомашиналарни моҳирлик билан бошқариш йўлларини ўргатди.

Ўртоқ Бешбоевга ўхшаган хизмат вазифаларини аъло даражада бажараётган йигитлар қисмимизда кўплаб топилади. Бу тинч меҳнат посбонлари Ғалаба кунини сиёсий ва жанговар тайёргарликда ҳар качонгидан ҳам яхши кўрсаткичларга эришиш билан кутиб олдилар.

Тўхтамурод УСМОНОВ,
ҳарбий хизматчи.

Жанг майдонларида бўлган аёл

Тошкент медицина институтининг иккинчи хирургия клиникаси... Доцент Муқаддам Ашрапова тушки танаффус вақтидан фойдаланиб, ўз иш кабинетида илмий кузатишлари ёзилган қоғозларни кўздан кечириб ўтирибди. Шу тобда кимдир эшикни очиб:

— Кирсам мумкинми?—деди.

— Марҳамат, киринг,— деди доцент хушмуомалалик билан.

— Доктор, менга энди уйга жавоб берсангиз.

Доцент Ашрапова беморга бошдан-оёқ разм солиб, бироз мулоҳаза юритгач, деди:

— Яна икки кун сабр қилинг. Бундан ҳам яхши бўлиб қоласиз, сўнг уйга қайтсангиз бўлади.

Докторнинг бундай меҳрибонлиги ва самимий сўзларидан ич-ичидан қувонган бемор кабинетдан яна шифохонада икки кун қолишга рози бўлиб чиқиб кетди. Ана шу қисқагина суҳбат беморга яхши даводек туюлди, у енгил тортиб, ўзини яна ҳам тетик ҳис қилди. Хирург Ашрапова ўз қўл остидаги ҳамма беморлар билан ҳар доим ана шундай яхши муомалада бўлади.

Ўзбек қизи Муқаддам шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. У 1941 йилда ТошМИни тамомлагач, Ленинобод областининг Қарақчикун қишлоғига ишга юборилади. Орадан кўп вақт ўтмай, уни район соғлиқни сақлаш бўлими мудири вазифасига кўтаришади.

Улуғ Ватан уруши мамлакатимиз учун оғир йиллар бўлди. Ҳамма нарса фронтга, душман устидан ғалаба қозонишга сафарбар қилинди. 1943 йил 13 февралда хирург Муқаддам Ашрапова ҳам фронтга жўнаб кетди. У 1945 йил октябригача жанг майдони баҳодирларига медицина хизмати кўрсатди. Хирург дастлаб Воронеж чўл округи, сўнг 4-Украина фронти ва уруш охирлаб қолганида эса 1-Украина фронтида хизмат қилди. У уруш йилларида Прикарпат Украинаси, Чехословакия, Польша ва Германиянинг шарқий қисмларида ҳам бўлди. Жанговар хизматлари учун хирург Ашраповани ҳукумат Қизил Юлдуз ордени ва иккита медаль билан мукофотлади.

Урушдан сўнг Ашрапова ТошМИга ишга қайтди. У, бу ерда хирург сифатида беморларни даволаш билан бирга илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борди. Муқаддам Ашрапова қунт билан ишлаб, 1953 йилда «Чаноқ суяги қаттиқ шикастланганда рўй берадиган баъзибир биохимик ўзгаришлар» деган темада кандидатлик диссертациясини ёқлашга муваффақ бўлди. 1958 йили унга доцент унвони берилди. Ҳозир бу ишчан аёл докторлик диссертацияси устида ишламоқда.

Афанасий КИМ.

ОЛДИНГИ САФДА

Бригадир Яков Иванович қизиқ табиатли одам. Сал нарсага хафа бўлади. Мана, ҳозир ҳам у нимадандир норози бўлгандек кўринади.

— Кейинги участкада котлован ҳалигача тайёр эмас. Мана шундай қилиб кишининг қўлини боғлаб қўйишади-да,— деди у йигитларга.

Афтидан кстлован қазувчилар суръатни бироз бўшаштириб қўйган бўлсалар керак. Георгий бригадирга тасалли бериб. ҳазил аралаш деди:

— Хафа бўлманг. Яков Иванович. дўппи тор келиб қолганида биз уларни шундай шошилтириб қўяйликки, ҳатто бош қашишга ҳам вақт тополмай қолсинлар.

Бригадирнинг чеҳраси кечга яқин бориб бироз ёришгандай бўлди. Албатта, бунинг сабаби бор эди: биринчидан. ер қазувчилар эртаги кун бетон ётқизиладиган котлованни қазиб бўлган эдилар. Иккинчидан, унинг бригадаси бугун ҳам ўз топшириғини бир ярим ҳиссага яқин қилиб адо этди.

Иш куни тугагач, бригада аъзолари одатдагидек ўзаро кенгашга тўпланишди. Яков Иванович бугунги қилинган ишларни якунлар экан, Г. Проскурнин. А. Тухфатуллин, Р. Сахабудиловларнинг хизматларини алоҳида таъкидлади.

— Балли. азаматлар,— деди у.— Агар шу меёрда ишласак, иккинчи кварталда ҳам вимпелни қўлда сақлаб қоламиз...

153-трестга қарашли 2-қурилиш бошқармасининг ўртоқ Я. И. Пихтин бошчилик қилаётган бетончилар бригадаси шу йил биринчи квартал топшириғини 160 процент бажариб. бошқарманинг бригадалараро кўчма вимпелини олишга муваффақ бўлди.

Коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган бу илғор бригада аъзолари бундан буён ҳам кўчма вимпелни ўз қўлларида сақлаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилиб ишламоқдалар.

Бу бригада деярли ёшлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг кўпчилиги собиқ ҳарбий хизматчилардир. Мана улардан бири — Георгий Проскурнин. У ҳарбий хизматга чақирилгунга қадар шу бошқармада сувоқчи бўлиб ишларди. Георгий ўтган йили Совет Армияси сафида хизмат муддатини тугатгач, яна қурувчилик касбига, жонажон коллективи қучоғига қайтиб, тинч ижодий меҳнат билан шуғуллана бошлади. Бошқармадагилар унинг номини энг илғор қурувчилар қаторида тилга олишади. Анфас Тухфатуллин ва Рафаил Сахабудиловларнинг иккаласи ҳам ҳарбий хизматдан сўнг қурилишга келган эдилар. Қурувчилик касбига жон-дили билан меҳр қўйган бу икки йигит тез орада бетончилик ҳунарини ўрганиб олди. Улар кунлик нормаларини 150—160 процент қилиб адо этишаяпти. Ўртоқ Я. И. Пихтин бошлиқ бетончилар бригадасида бундай азаматлар кўп.

Чиланзорда осмон гумбази билан ўпишгудек бўлиб кўкка бўй чўзаётган кўркам бинолар сони тобора кўпаймоқда. Бинокорлар меҳнаткашлар учун турар-жой бинолари қурилишини ҳар томонлама жадаллаштириш учун курашаётирлар. Собиқ ҳарбий хизматчилар — ҳозирги қурувчилар эса бу курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Т. МИРҲОДИЕВ.

Суратда: (чапдан) Анфас Тухфатуллин ва Георгий Проскурнин ўртоқлар.
А. Абалян фотоси.

ВАТАН ҚАҲРАМОНИ

1943 йилнинг ноябрь ойи бошларида 1-Украина фронти қўшинлари Киевнинг шимолий қисмидаги плацдармдан душманга қақшатғич зарба бердилар ва 6 ноябрь куни Украинанинг гўзал пойтахти Киевни немис-фашист босқинчиларидан батамом озод қилдилар.

Украина пойтахти Киевни озод қилишда Совет Иттифоқи халқларининг барча фарзандлари қаторида ўзбек халқининг ҳам мингларча фарзанди қатнашди. Булар қаторида Ғулом Каримов ҳам бор эди.

Ғулом Каримов жанг билан Киев ўртасидан оқиб ўтаётган Днепр дарёси соҳилига етиб келганда, ўзбек халқининг фронтчи фарзандларига ёзган мактубидаги қуйидаги жумлаларни эслади: «Оғир кунларда ака ва укаларингни, СССРнинг катта ва кичик халқларини қўлламасанг. сен ёлғиз қоласан ва ёмон ҳалокатга учрайсан. Чунки якка қўлдан қарсак чиқмас. Сенинг ўз оиланг бор, сенинг СССРдек улуғ хонадонинг бор. Оиланг-даги ўғилларнинг сараси бўл, қардош халқлар ўртасида ҳам илғор баҳодирларнинг биттаси бўл!»

Киевни гитлерчи босқинчилардан озод қилиш Улуғ Октябрь социалистик революциясининг йигирма олти йиллиги кунига тўғри келди. Ёвуз душманга қақшатғич зарбалар берилди. Жанглар кетидан янада даҳшатли ва қизғин жанглар бошланди. Киевни озод қилиш учун бошланган жангларнинг ҳаммасида Ғулом Каримов ўз жанговар дўстлари билан бирга совет солдатига хос шижоат ва жасурлик билан жанг қилди.

1943 йил ноябрь ойининг охирида Ғулом Каримов хизмат қилган гвардиячилар қисми жанглар билан Винница областининг Могилёв-Подольск районидаги Днестр дарёси бўйларига етиб келди. Дарёнинг ғарбий соҳилига ўрнашиб олган гитлерчилар совет солдатларини дарёдан ўтказмаслик учун бу ерда ҳам Днепрдагидек мустаҳкам мудофаада турарди. Душман кучи гвардиячи қисм кучига нисбатан бир неча ҳисса ортиқ эди. Фашистлар бундан фойдаланиб. гвардиячилар устига қутириб ҳужум бошлади. Могилёв-Подольск бўсағасидаги бир қишлоқ бир кунлик жанг вақтида етти марта қўлдан-қўлга ўтди. Жанг шундай даҳшатли бўлдики. ҳатто полк командири. Совет Иттифоқи Қаҳрамони подполковник Шурухиннинг ўзи ҳам гаубицадан отиб турди. Бу жангда қисм кам талафот кўриб, душманнинг мингдан ортиқ солдат ва офицерини қириб ташлади. Душман чекинди.

Гвардиячилар душман кетидан изма-из қувиб бориб, уни Украина тупроғидан тамомила улоқтириб ташладилар ва Руминиянинг Пашкани райони томон илгарилаб кетдилар.

Каримов хизмат қилган гвардиячилар қисми 1944 йилнинг сентябрь ойида Руминиянинг Пашкани райони атрофида Молдавка дарёсининг чап соҳилида мудофаада турарди. Мудофаа кунларида дарё бўйида фақат пулемётчилар қолиб, бошқа жангчилар ўрмон ичида тактик машғулот ўтказардилар. Бундан хабар топган гитлерчилар қўққисдан ҳужум бошлаб юборди. Қутирган газандалар дарё ичида белдан сув кечиб, автомат ва қўл пулемётлардан ўқ ёғдириб, босиб келарди. Бошқа пулемёт расчётлари қаторида Каримов расчёти ҳам душманни ўзларига жуда яқин келтириб туриб, улар устига бирданига қуюндек ўқ ёғдирдилар. Дарё гитлерчиларнинг мурдаси билан тўлди. Тирик қолганлари зўрға қочиб қутилди. Душманнинг катта куч билан бошлаган бу атакасини мағлубиятга учратишда қилган жанговар хизматлари учун Ғулом Каримов II даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланди.

1944 йил август ойи ўрталарида Румыния шаҳарларида бораётган жангларда Ғулом Каримовнинг пулемёт взводи душман позицияларига тўхтовсиз ўт очиб туриб, ҳужум қилиб келаётган қўшинларимизнинг олдинга силжишига катта имконият туғдирди. Икки ўртадаги жанг ниҳоят даражада даҳшатли тусга кирди. Мана шу жанг даврида иккинчи ротанинг командири сафдан чиқди. Каримов фурсатни қўлдан бермай, ротага командирлик қилишни ўз устига олди ва жангчиларни душман устига штурмга бошлаб борди. Рота жангчилари мардонавор ҳамла билан душман траншеяларига бостириб кирдилар ва гитлерчиларни қийрата бошладилар. Мана шу жангда Ғулом Каримовнинг ёлғиз ўзи ўндан ортиқ фашистни қириб ташлади.

Қисм жангчилари бир тепалик бўсағасига яқинлашганларида душман артиллерия ва миномётдан ўт очиб, уларнинг олдинга силжишига ҳалақит бериб қолди. Каримов ротаси тепалик атрофида дарҳол позиция эгаллади. Совет солдатларининг тўхтаб қолганини кўрган гитлерчилар атакага кўтарилдилар. Тепалик атрофида беш кун жанг бўлди. Душман ўнлаб атакага ўтган бўлса-да, аммо бу атакаларнинг ҳаммаси ҳам азамат гвардиячилар томонидан душманга катта талафот етказиш билан қайтарилди ва уларнинг ўзлари душманга қарши атакага ўтдилар.

Қўмондонликнинг тепаликни эгаллаш тўғрисидаги буйруғини бажаришда кўрсатган жанговар хизматлари учун Ғулом Каримов Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

1944 йилнинг август ойи охирларида қисм Карпат тоғларидан ўтиб, Бухарестдан Будапешт томон чекинаётган душман йўлини тўсиш вақтида бўлган қизғин жанглар вақтида Ғулом Каримов икки оёғидан оғир ярадор бўлиб қолди.

Немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган курашларда кўрсатган ажойиб жанговар хизматлари учун СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил 24 мартдаги Фармони билан Ғулом Каримовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Ўртоқ Ғулом Каримов армия сафидан бўшаб келгандан сўнг Тошкент область, Оржоникидзе районидаги «Маданият» ва Сталин номли колхозларда партия ташкилоти секретари, район МТС директорининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, «Садвин» совхози партия ташкилотининг секретари вазифаларида ишлади.

1956 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари қаторида Ғулом Каримов ҳам ҳукуматимиз томонидан Ҳурмат Белгиси ордени билан мукофотланди. Ўртоқ Каримов Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига тўрт марта қатнашиш шарафига муяссар бўлди ва Виставка Комитети томонидан «Катта Кумуш» медали билан тақдирланди.

Каримов 1952 йилдан ҳозиргача Оржоникидзе район партия комитетининг аъзоси, Дўрмон қишлоқ Советининг депутатидир.

Шу йил 5 мартда бўлиб ўтган Маҳаллий Советларга сайловлар вақтида ўртоқ Ғулом Каримов Оржоникидзе район Советига депутат қилиб сайланди.

Колхозларда партиявий-сиёсий ва партиявий-ташкилий ишларда катта тажрибага эга бўлган ўртоқ Ғулом Каримов ҳозир Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхозда партия ташкилотининг секретари бўлиб ишламоқда.

Адҳам РАҲМАТ.



Руминия Халқ Республикаси. Бучечдаги янги «Серетул» қанд заводи коллективи ҳам илғорлар қаторидан ўрин олган Бу корхона бир кеча-кундузда 2 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаради. Суратда: янги «Серетул» қанд заводининг 1960 йилда ишга туширилган машина бўлими.

Румин Аджерпрес агентлигининг фотоси.

РУМИНИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР АВАНГАРДИ

Ҳар бир халқнинг ҳаётида жуда муҳим бўлган воқеалар бор. Бу воқеалар унинг ривожланишида тарихий аҳамиятга эга бўлади. Румин халқининг тақдирида кескин бурилиш ясаган ана шундай воқеа 1921 йил 8 майда Руминия коммунистик партиясининг ташкил топиши бўлди. Компартиянинг ташкил этилиши меҳнаткашлар оммаси ва биринчи галда пролетариатнинг узоқ вақт олиб борган қаттиқ синфий курашининг якуни бўлиб чиқди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг таъсири натижасида мамлакатда социал қарама-қаршиликлар кучайиб кетган эди. Руминияда коммунистик партиянинг вужудга келиши айни чоғда мамлакатда революцион ишчилар ҳаракатининг янги босқичга кўтарилганини кўрсатарди.

Руминиядаги иқтисодий тартибсизлик ва сиёсий кризис ишчилар ва деҳқонларнинг буржуа-помешчиклар тузумига қарши ғазаб ва нафратини тобора кучайтирган бўлса, Россия ишчилари ва деҳқонларининг тарихий ғалабаси уларга тобора кўпроқ революцион таъсир кўрсатди. Шундай шароитда Руминияда меҳнаткашлар революцион чиқишларининг янги тўлқинлари вужудга келди.

Ишчилар синфи томонидан барча меҳнаткашларни уюштириб, пролетариат диктатурасини ўрнатиш ва социалистик жамият қуришга ўтиш учун курашдек пишиб етилган масала кун тартибига қўйилди. Ишчилар синфи Руминияни оғир иқтисодий, сиёсий ва социал аҳволдан қутқаришга қодир бўлган ягона синф эди.

Реформизм руҳида ташкил топган ва тарбияланган Руминия социалистик партияси пролетариат диктатурасини ўрнатиш учун курашга бошчилик қилолмас эди. 1918-1919 йиллардаги революцион кураш ва, айниқса, 1920 йилги умумзабастовка тажрибаси ишчилар синфининг янги типдаги ҳақиқий революцион партияси тузиш зарурлигини яққол кўрсатди. Ишчилар синфининг энг илғор вакилларидан иборат бўлган коммунистик группаларнинг фидокорона кураши ана шундай партияни — Руминия коммунистик партиясини тузишга олиб келди. Компартиянинг вужудга келиши Руминия ишчилар ҳаракатида оппортунизм ва реформизмнинг мағлубияти ҳамда ленинизмнинг ғалабасидан далолат берди.

Руминия ишчилар синфи ўз коммунистик партиясини тузиб, буржуа помешчиклар тузумини йўқ қилиш ва социалистик Руминияни вужудга келтириш учун курашнинг жанговар штабига асос солди.

Руминия коммунистик партияси ташкил топган дастлабки кунлариданоқ буржуа помешчиклар тузуми томонидан қонли репрессия ва террорларга учради. Партиянинг биринчи съезди бўлаётган вақтдаёқ жандармерия съезднинг кўпчилик қатнашчиларини қамоққа олди, кейин эса даҳшатли суд процесси бошланди. 1924 йилда Руминия коммунистик партияси қонундан ташқари деб эълон қилинди.

Партия жуда яширин ҳолда иш олиб боришига қарамай, ишчилар оммасини капиталистик эксплуатацияга қарши курашга уюштирди,

Николай ГУИНЭ,
Руминия ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси. Руминия Халқ Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва Мухтор элчиси.

<>

кенг стачка ҳаракатига бошчилик қилди. Руминия ишчилар синфининг иккинчи жаҳон урушигача бўлган энг катта қўзғолони темир йўлчи ва нефтчиларнинг 1933 йилдаги қаҳрамонона революцион жанглари ҳисобланади. Коммунистик партиянинг топшириғига мувофиқ стачкаларга ўртоқ Георге Георгиу-Деж бошчилигидаги темир йўлчилар ҳаракатининг Миллий комитети раҳбарлик қилди. Ишчилар ва, айниқса, темир йўлчилар стачкалари кучли революцион характерда бўлиб, бутун мамлакатни қоплаб олган эди. Бухарестдаги Гривиц темир йўл мастерскойлари ишчилари стачкалар вақтида мастерскойларни эгаллаб олдилар. Темир йўлчи ва нефтчилар курашига аҳолининг турли қатламларидан иборат бўлган кенг омма ҳамкорлик қилди.

Яширин курашнинг қийинчиликларига ва компартия раҳбарлари орасига айрим хоин элементларнинг суқулиб кирганига қарамай, партия иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунлариданоқ нолегал матбуот ва радио ёрдамида ишчилар синфини фашист диктатурасини ағдариб ташлашга ва Руминияни Советларга қарши олиб борилаётган урушдан чиқишга чақирди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бошчилигидаги совет халқининг гитлерчилар Германиясини тормор келтириш учун олиб борган қаҳрамонона кураши халқимиз учун катта аҳамиятга эга бўлди. Совет Армияси кескин зарбалар бериб, душман устидан тўла ғалаба қозонди. Бундай шароитда Руминия коммунистик партияси ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларни бирлаштириш ҳамда уларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ишларини кучайтирди. 1944 йил 1 Майда Бирлашган ишчилар фронти тузилди. Унга Руминия коммунистик партияси ва социал-демократик партия кирган эди. Партия эксплуататор синфлар ичидаги қарама-қаршиликлардан фойдаланиб, кучларни бирлаштиришга муваффақ бўлди. Бу кучлар ўз олдига қўйган мақсадидан қатъий назар, фашист диктатурасини ағдариб ташлашдан манфаатдор эди.

Антонеску ҳукуматини қамоққа олиш билан 23 августда бошланган қуролли қўзғолон бутун мамлакатга ёйилди. Румин армияси ўз қуролини гитлерчилар Германиясига қаратиб, урушнинг охиригача Совет Иттифоқи билан бир сафда туриб курашди. Руминия коммунистик партиясининг тарихий хизмати шундаки, у қуролли қўзғолонни ташкил қилиш билан мамлакатни буржуа-помешчиклар партиялари ва ҳарбий фашистик диктатура бошлаётган хавф-хатардан қутқариб қолди ва социал ўзгаришларни амалга оширишга йўл очиб берди.

Руминия фашистлар зулмидан озод қилингач, коммунистик партия мамлакатни демократлаштириш ва иқтисодий ўзгаришлар қилиш учун кураш олиб борди.

Бирлашган ишчилар фронти программаси асосида халқ тузумини мустаҳкамлаш учун курашда Руминия коммунистик партияси билан социал-демократик партия ўртасидаги ҳамкорлик тўхтовсиз мустаҳкамланиб борди. Социал-демократик партияда бир қатор хоин элементлар фош қилинди ва кейинчалик улар партиядан ўчирилди. Ишчилар синфининг ягона партиясини тузиш учун замин яратилди.

1948 йил февралида Руминия коммунистик партияси ва социал-демократик партиянинг бирлаштирувчи съезди бўлиб ўтди. Бу съездда марксизм-ленинизм асосида Руминия ишчилар партияси ташкил этилди.

Руминия ишчилар партияси раҳбарлигида, унинг марксча-ленинча сиёсий йўли асосида румин халқи социализм қуришга киришди.

Румин халқи коммунистик партия раҳбарлигидаги ўзининг қаҳрамонона меҳнати натижасида Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг интернационал ёрдами туфайли тарихий ғалабаларга эришди. Бу ғалабалар Руминия Халқ Республикасининг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Ўтмишда йирик капиталистик мамлакатларга қарам бўлган Руминия саноати ҳар томонлама ривожланаётган ва қишлоқ хўжалиги мунтазам механизациялашаётган мамлакатга айланиб қолди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1960 йилда 1938 йилдаги даражага қараганда 5 марта ошди. 1961 йилнинг дастлабки ойларидаёқ бутун 1938 йилдагига тенг миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу йил бутун буржуа-помешчиклар Руминиясининг 1925-1938 йиллар давомида ишлаб чиқарган пўлатидан кўп пўлат ишлаб чиқарилади.

Қишлоқ хўжалигининг социалистик сектори ҳозир фойдаланилаётган барча ерлар ва деҳқон оилаларининг бешдан тўрт қисмини ташкил қилади. Мамлакат далаларида 44 мингдан ортиқ трактор, 34 минг сеялка, 17 минг 600 комбайн ишламоқда. 1960 йилнинг ўзидагина қишлоқ хўжалиги 1938 йилда буржуа-помешчиклар Руминияси қишлоқ хўжалигида бўлган тракторлардан уч марта кўп трактор олди.

Ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўплаб ишлаб чиқарилиши билан миллий даромад ва меҳнаткашларнинг даромадлари ҳам ўсди, уларнинг турмуш шароити анча яхшиланди.

Халқимизнинг социалистик экономикани қуриш йўлида эришган улуғвор ғалабалари ўртоқ Георге Георгиу-Дежнинг партиянинг III съездида қилган докладида ёритилган. Съезд мамлакатимизда социализмнинг иқтисодий базаси қурилганлигини ва Руминия ўзининг ривожланишида янги даврга — социалистик қурилишини тугаллаш даврига қадам қўйганлигини таъкидлаб кўрсатди.

Руминия ишчи партиясининг III съезди улуғвор программани — халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олти йиллик плани (1960-1965 йиллар)ни тасдиқлади. Бу планнинг асосий вазифаси социализмнинг моддий-техника базасини ривожлантиришдан иборат. Мамлакатни индустрлаштириш жуда тезлик билан давом эттирилади. Қишлоқ хўжалиги коллективлаштириб бўлинади ва маҳсулотлар мўл-кўллиги вужудга келтирилади.

Мамлакатимиз халқлари бугунги шонли кунни байрам қилар эканлар, румин коммунистларининг халқ ва мамлакат манфаатлари учун, социалистик Руминия учун қаҳрамонлик ва баҳодирлик кўрсатиб, қатъийлик билан, мунтазам равишда олиб борган курашини шарафлайдилар.

БАР ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

6 май кечқурун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси О. А. Алимов Бирлашган Араб Республикаси парламент делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди. Делегацияга БАР Миллат мажлисининг раиси Анвар Садат бошчилик қилмоқда.

Қабул маросимида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов, СССР Олий Советининг депутати К/ А. Губин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари С. В. Стародубцев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. С. Сахибоев, СССР ташқи ишлар министрлиги Яқин Шарқ мамлакатлари бўлими мудирининг ўринбосари А. Д. Шчиборин, министрлар ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, фан ва маданият арбоблари ҳозир бўлдилар.

О. А. Алимов Анвар Садат ва унинг бошчилигидаги делегация аъзоларига мурожаат қилиб айтдики, совет кишилари, шу жумладан Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам тинчлик ва озодликка интилаётган халқларга ҳурмат эҳтиром билан қарамоқдалар, Бирлашган Араб Республикаси халқлари билан дўстликнинг бундан буён ҳам мустаҳкамланишини истайдилар.

Анвар Садат ўзининг жавоб нутқида Ўзбекистонда парламент делегацияси хурсандлик билан кутиб олинганлиги учун самимий ташаккур изҳор қилди. Биз деди у, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни қадрлаймиз. Бу дўстликка Хрушчев асос солди. Биз умримизнинг сўнгги дамларигача ана шу дўстликни сақлаймиз. Анвар Садат тинч ижодий меҳнатда Ўзбекистон халқларига ва барча совет кишиларига янги муваффақиятлар тилаб, бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида Бирлашган Араб Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида узоқ ва мустаҳкам дўстлик бўлиши учун қадаҳ кўтарди.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган қабул маросими вақтида БАР парламент аъзоларига эсдалик совғалари тақдим этилди.

* * *

БАР парламент делегацияси 7 май эрталаб Тошкентдан Москвага жўнаб кетди. СССР бўйлаб қилаётган сафарида делегацияга ҳамроҳ бўлган СССР Олий Советининг депутати К. А. Губин, СССР Ташқи ишлар министрлиги Яқин Шарқ мамлакатлари бўлими мудирининг ўринбосари А. Д. Шчиборин ҳам меҳмонлар билан биргаликда жўнаб кетдилар.

Аэродромда делегацияни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Республика Олий Совети Президиумининг секретари Р. С. Сахибоев, министрлар ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари кузатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

Халқаро аҳвол

Анголада шиддатли жанглар

ПАРИЖ, 6 май. (ТАСС). Анголадаги португалиялик мустамлакачи маъмурлар қўзғолон кўтарган африкалик аҳолига қарши жазо операцияларини кучайтирмоқдалар. Қўзғолончиларга қарши кураш олиб бориш учун танланган ҳарбий қисмлар, самолётлар, тўплар юборилган. Бироқ Ангола халқи жазочиларга қаттиқ қаршилик кўрсатмоқда.

Кейинги кунларда анголалик партизан отрядлари билан мустамлакачиларнинг кучлари ўртасида Анголанинг шимолида қаттиқ жанглар бўлди. Қўзғолончилар Сонго, Санзо-Помбо, Де-Жанейро ва бошқа шаҳарларга атака қилдилар. Франс Пресс агентлиги мухбирининг хабар беришича, Макела-Ду-Зомбу районидаги ҳамма плантациялар ҳам партизанлар қўлига ўтган ва португалияликлар «эҳтиёткорлик юзасидан» учта истеҳкомни шошилинч равишда эвакуация қилганлар.

Луандадан атиги бир километр нарида қўзғолончилар Бонго-Данде йўлидаги кўприкни портлатганлар. Бунинг устига улар АнгоЛадаги Конго вилоятининг бош шаҳри Кармонадан 40 километр масофадаги бой имениега ҳужум қилганлар. Бу имениеда ҳозирги вақтда «ҳамма ваколатларга эга бўлган» денгиз нариёғидаги территориялар министри Адриано Морейра ва авиация министрининг ёрдамчиси полковник Каулза де Арриага яшаб турибди.

ЛОНДОН, 6 май. (ТАСС). Португалия ҳарбий қўмондонлиги Анголага янги мадад кучлар ва кўп миқдорда ҳарбий материаллар ҳамда ярог-аслаҳалар юбормоқда.

Рейтер агентлиги мухбирининг Лиссабондан хабар беришича, кеча Португалиядан Анголага «Вера-Крус» лайнери жўнаб кетган. Бу лайнерда 2.500 солдат жўнатилган. Кўп миқдорда қурол-яроғ ортилган «Рита-Мария» кемаси ҳам кеча Анголага жўнаб кетган. Ҳарбий аслаҳа ва қурол-яроғлар ортилган «Арраилос» кемаси ҳам Анголага боради.

Португалиянинг бу мустамлакасида қўзғолон бошлаганидан бери Анголага ҳозирги вақтда энг кўп мадад кучлар юборилмоқда.

ДЕҲЛИ, 6 май. (ТАСС). Португалияликлар Анголада террорни авж олдириб юбордилар, деб ёзади Мадорасдаги «Хинду» газетаси бу мустамлакадаги воқеаларни шарҳлаб. Улар суриштирмасдан ҳамма африкаликларни қамоққа олмоқдалар, қўзғолончиларни қўллаб-қувватлашда гумон қилингани учунгина уларни отиб ташламоқдалар. Бироқ, шошилинч суратда кучайтирилган қўшинларнинг шафқатсиз жазо чораларига қарамай, катта территорияларда Португалия ҳукуматининг ҳокимияти фақат номига сақланмоқда. Хуллас, деб таъкидлайди газета, Ангола тезлик билан Жазоирга айланмоқда ва Жазоирда европалик мустамлакачиларнинг қисмати қандай бўлса, тез вақтда португалияликлар ҳам Анголада худди шу аҳволга тушиб қоладилар.

МУСТАМЛАКАЧИЛАР ШОШИЛМОҚДАЛАР...

ЛОНДОН, 7 май. (ТАСС). Ангола халқининг қўзғолонини бостириш учун жуда кўп жазочи отрядлар юборилди. Мамлакатга салазарчи қўшинларнинг янгидан-янги қисмлари келиб турибди. Португалиянинг Анголадаги 15 минг кишилик армиясига яқинда «Вера-Крус» кемасида Лиссабондан келаётган яна 3.400 солдат қўшилади. Рейтер агентлиги Анголанинг шимолида қўзғолон бошланганидан бери «бу Португалиянинг Ғарбий Африкадаги мустамлакасига юборилаётган энг кўп қўшиндир», деб таъкидлайди.

Португалиядаги Лузитания агентлигининг эътироф этишича, Ангола пойтахти Луандада кўп «террорчилар» бор ва «ҳозирги осойишталикнинг сабаби фақат шуки, полиция ва милиция шаҳарни кеча-кундузи хушёрлик билан қўриқламоқда», бу «осойишталик» ҳам фақат нисбий осойишталикдир. Рейтер агентлигининг хабар беришича, 5 майда полициянинг Луандадаги ишчилар яшайдиган маҳаллада ўтказган икки облаваси натижасида жуда кўп кишилар қамоққа олинган.

АҚШДА ТАБИИЙ ОФАТ

НЬЮ-ЙОРК, 8 май. (ТАСС). Америка Қўшма Штатларининг ўрта ғарб районларида қаттиқ шамол эсиб, сел ва сув тошқинлари рўй берди.

Арканзас штатининг ғарби-шимолий қисмида жойлашган ва унча катта бўлмаган Гаррисон шаҳри айниқса жиддий зарар кўрди. Шанба куни ёққан ёмғир шаҳар орқали оқадиган кичик дарёни дарҳол кучли оқимга айлантирди. Гаррисоннинг кўчалари ва марказий майдони сув остида қолди. Кўп уйлар вайрон бўлди. 6 киши ҳалок бўлди. Шаҳарда фавқулодда ҳолат жорий қилинди.

Қўшни Миссури ва Канзас штатларида 32 киши ярадор бўлди. Сув тошқини натижасида Канзас—Сити шаҳрида ўнлаб уйлар вайрон бўлди.

Америка телеграф агентликларининг хабар беришича, кечаги кунгача довул ва сув тошқинлари натижасида ўрта ғарб штатларида ҳалок бўлган кишиларнинг сони 29. ярадорлар сони 100 га яқин кишини ташкил этган. Минглаб киши бошпанасиз қолган.

Табиий офат натижасида етказилган зарар бир неча миллион доллар ҳисобланади

ФРАНЦУЗ АРТИЛЛЕРИЯСИ МАРОКАШ ТЕРРИТОРИЯСИНИ ЎҚҚА ТУТДИ

НЬЮ-ЙОРК, 8 май. (ТАСС). 6 ва 7 майда француз артиллерияси Марокашнинг аҳоли яшайдиган Бу Бекир пунктини ўққа тутди. Бу Бекир Ужда шаҳридан 35 километр жанубда жойлашган кончилик районининг марказидир, деб хабар берди Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Работдан Марокаш радиосининг хабарига асосланиб.

Хабарда ўққа тутиш натижасида Бу Бекирда қурбонлар борлиги айтилади.

Кеннеди Куба контрреволюционерларининг бошлиғини қабул қилди

ВАШИНГТОН, 6 май. (ТАСС). Президент Кеннеди кеча Куба «революцион кенгаши» деб аталмиш «кенгашнинг» раиси Кардона билан маслаҳатлашиб, у билан АҚШдаги Куба «қочоқларига» Америка ёрдамини бериш ҳақидаги масалани муҳокама қилганлиги Оқ уйда расмий равишда эълон қилинди.

Президент соғлиқни сақлаш, маориф ва социал таъминот министри Рибиковга ана шу проблемани муҳокама қилиш учун Кардона билан учрашишни топширди.

Физкультура ва спорт

19-УЙИНДА ТАЛЬ ЮТДИ

МОСКВА, 6 май. (ТАСС). Жаҳон биринчилиги учун ўтказилаётган шахмат реванш матчининг 19-ўйини 76-юришда гроссмейстер Талнинг ғалабаси билан тугади.

Матч ҳисоби гроссмейстер Ботвинник фойдасига 11,5:7,5 бўлди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

7 майда Тошкетнинг «Пахтакор» командаси футбол бўйича мамлакат биринчилиги учун ўтказилган навбатдаги мусобақада Ленинградда «Зенит» командаси билан учрашди. Ўйин ленинградликлар фойдасига 4:1 ҳисоби билан тугади.

Шу куни бўлган қолган учрашувлар қуйидаги натижаларни берди: биринчи группада — «Локомотив» — «Нефтяник» — 2:2, «Спартак» (Вильнюс)—«Торпедо» — 0:1. «Даугава»—Армия спорт клуби (Ростов-Дон) — 1:1, «Авангард» — «Динамо» (Тбилиси)— 1:0; иккинчи группада — «Молдова»—«Динамо» (Киев) — 1:3. «Беларусь»—«Спартак» (Ереван) —1:1. «Калев»—«Қайрат»—1:2.

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ

Пойтахтимизнинг Округ офицерлар уйи паркида шахмат бўйича Ўзбекистон ССР биринчилигининг финал мусобақалари бошланди. Турнирда республиканинг энг кучли 17 шахматчиси қатнашмоқда. Булар орасида ЎзССР чемпиони спорт мастери А. Грушевский, мастерликка кандидатлар Г. Бударин, В. Харламов, А. Хасидовский, В. Горев, И. Бирбрагер, С. Хожибеков, Г. Шахзода (ҳаммаси Тошкент шаҳридан), Э. Каримов ва И. Назаров (Андижон областидан), М. Сарваров (Самарқанд шаҳридан) ва биринчи разрядли беш шахматчи бор. Мусобақаларда Тошкент областидан олмалиқлик мастерликка кандидат Е. Надеждин ва чирчиқлик биринчи разрядли У. Ибадлаев ҳам қатнашмоқда.

Биринчи турда Надеждин Ибадлаевни, Бирбрагер Назаровни ютди. В. Ким — А. Хасидовский учрашуви дуранг бўлиб тугади. Қолган партиялар кечиктирилди. Ўтган якшанба куни бўлган иккинчи турда фақат иккита учрашувгина тугади: А. Грушевский Назаровни ютди. Горев-Ким ўйини дуранг бўлди. Қолган учрашувларнинг ҳаммаси кечиктирилди.

С. ЮТЛАНДОВ.

Телевизор экранида

9 МАЙДА

19.00. «Салом пионер ёзи» деган эшиттириш (ўзбек тилида).

19.25. Телевизион янгиликлар.

19.45. «Советский воин» телевизион журналининг Ғалаба кунига бағишланган махсус сони.

20.45. Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва Совет Армияси жангчиларининг талабларига мувофиқ концерт.

21.25. Киножурнал ва «Май юлдузлари» деган бадиий фильм.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Тошкентнинг томоша залларида

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/V да премьера **Сўна** (билетлар сотилган), 10/V да **Марварид қидирувчилар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА— 9/V да **Ҳуррият,** 10/V да **Тоғажиянлар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/V да **Катта концерт.**

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Сўнгги залплар — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Номсиз орол — «МИР», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Нон ва гул — НАВОИЙ номли (кеч соат 10 да).

Евдокия — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Турналар учади — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 8 ярим ва 10 да).

Тўғондаги ҳодиса — «ВАТАН» (кеч соат 8 ярим ва 10 да).

Номсиз орол — НАВОИЙ номли (кеч соат 9 ва 10 яримда).

Яна тонг отди — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 8-45 ва 10.20 минутда).

Келгуси баҳоргача — КАФАНОВ номли (кеч соат 8-45 ва 10-20 минутда).

ДИҚҚАТ!

БОЛАЛАРНИНГ ТЕМИР ЙЎЛ ЁНИДА ВА ТЕМИР ЙЎЛ ИЗЛАРИДА ЎЙНАШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ.

Бу нарса уларнинг ҳаёти учун хатарлидир!

Темир йўл транспортида қуйидаги юриш-туриш қоидаларини унутманг ва уни бошқаларга ҳам тушунтиринг.

Махсус белгиланган жойлардан ташқари

ТЕМИР ЙЎЛ ИЗЛАРИ БЎЙЛАБ ЮРМАНГ!

Юриб келаётган поезд олдидан ўтманг.

ПОЕЗД ЮРИБ БОРАЁТГАНДА ВАГОНГА САКРАБ ЧИҚМАНГ ВА САКРАБ ТУШМАНГ!

Вагон зиналарида ва тамбурларида турманг.
Вагондан чиққанда фақат платформага тушинг (поезд тамом тўхтагандан кейин)
Бу қоидаларнинг бузилиши бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлади!

ЎЗИНГИЗНИ ВА БОШҚАЛАРНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ!

КПСС XXII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

„ПАХТАКОР“ стадионида

13, 14 майда

катта санъат байрамлари

Совет Иттифоқининг етакчи кино, театр ва эстрада усталари иштирокида театрлаштирилган томошалар.

Бош режиссёр — **Илья Рахлин.**

Кеч соат 7 да бошланади. Билетларга заявкалар стадион кассаларида ва Ўзбек давлат филармониясида эрталаб соат 10 дан кеч 7 гача қабул қилинади. Телефон — 27-310.

Носиров кўчаси, 2-проезд, 6-уйда турувчи **Замирахон Каримова** (Жабборова)нинг 2-Магнитогорск кўча, 26-уйда турувчи Абдуқодир Каримовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар. Киров район халқ судида кўрилади.

3-Мингўрик кўча, 18-уйда турувчи **Фания Усмонова (Гильмонова)**нинг Гулбозор кўча. Уйғур проезд, 18-уйда турувчи Абакир Усмоновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар. Октябрь район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ:

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Секретариат 34808, 115, Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Хатлар бўлими — 34048, 156 Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 00862. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётнинг босмахонаси. Нашр. В. 1592.